

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ
МАКТАБИ

Санъат назарияси ва тарихи кафедраси
Санъатшунослик таълим йўналиши битирувчиси

Досжанова Дилафруз Қахрамоновнанинг

**Замонавий болалар хореографияси
(хореография коллежи ижодий фаолияти
мисолида)**

мавзуидаги

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар: Санъат назарияси ва тарихи
кафедраси катта ўқитувчиси
Турсунова Р. А.

Тошкент-2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. БОЛАЛАР РАҚС САНЪАТИНИНГ ТАБИАТИ	
§ 1.1 Баркамол ёш авлод тарбиясида хореографиянинг ўрни.....	10
§1.2 Болалар хореографиясининг ёшига мувофиқ хусусиятлари.....	21
II-БОБ. ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР ХОРЕОГРАФИЯСИНИНГ ЖАНР, ШАКЛ ВА УСЛУБИЙ СЕРҚИРРАЛИГИ	
§2.1 Мустақиллик йилларида болалар хореографияси.....	38
§2.2 Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби коллежи фаолияти.....	46
ХУЛОСА	55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	59
ИЛОВА	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги кунда болаларнинг хореография санъати жамиятнинг маънавий маданиятининг муҳим бўлаги сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Хореография санъати бевосита болаларнинг шахсий ижодий тажрибасини, халқ ижодиёти ва профессионал санъатда асрлар давомида тўплаган бой, турфа ва кенг бадиий, эстетик тажрибаси билан ўзаро мулоқот қилиш соҳасига айланади. Бу эса ўз навбатида болалар рақс санъатининг аҳамияти ва мавқеини алоҳида белгилаб, ёшлик чоғларидан болаларни хореография маданиятига жалб қилишни тақазо этади.

Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ юртимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсишига, унинг маънавий ва эстетик тарбиясига ҳукуматимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, 2000 йил – "Соғлом авлод", 2001 – "Оналар ва болалар", 2008 – "Ёшлар", 2010 – "Баркамол авлод" йили деб эълон қилиниб, бу борада турли йўналишдаги саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ санъат соҳасида ҳам тубдан янги ўзгаришлар рўй берди. Ўсиб келаётган ёшларнинг маънавий дунёсини бойитиш, маданий қадриятларимизга жалб қилиш ниятида республикамизнинг турли воҳаларида болалар қўшиқ ва рақс ансамблларининг сони ортди ва кенгайди. Хусусан, болалар санъатини республикамизда янада такомиллаштиришда санъат ва касб-ҳунар коллежлари, "Маданият уйлари" ва "Ёшлар ижодиёт марказ"лари барпо этилиб, жадал фаолият олиб бориши бунга яққол мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, Она диёримизда бугунги кунда болаларсиз ҳеч бир муҳим тадбир ўтмайди. Республикамиз миқёсида ўтказилаётган барча оммавий ва миллий байрамларда жажжи кичкинтойларнинг чиқишларини томошабинлар интизорлик билан кутишади. Чунки, уларнинг сахнадаги чиқишлари келажак авлоднинг баркамоллиги, ўсиб келаётган ёш авлодларнинг истиқболи далолатидир. Айни пайтда, рақс санъати билан шуғулланаётган болаларимиз мисолида бақувват, соғлом ва чиройли, бахтли ёшларни

кўришимиз мумкин. Хусусан, миллий фольклор ва замонавий рақсларга шижоат билан кўплаб болалар ўз қизиқишини намойиш этмоқда. Уларни кашф этишда юртимизда олиб борилаётган танлов-фестиваллар, жумладан "Янги авлод", "Келажак овози" Республика фестивали, "Миллий халқ рақслари"нинг аҳамияти ўзгачадир. Юртимизда танилишга улгурган миллий фольклор, замонавий рақс йўналишида – "Булбулча", "Томоша", "Тантана" ва бошқа бир қатор болалар ашула ва рақс ансамбллари ҳамда ҳаваскорлик дасталари фаолият кўрсатмоқда.

Замонавий босқичда болалар хореографик ижодиёти ўзига хос белгилари ва янги омилларининг шаклланиши билан тавсифланади. Хусусан, охириги йилларда болалар репертуарини шакллантиришда кенг доирадаги рақс услублари, йўналишлари, рақснинг турфа жанр ва шакллариининг серқирралигига мурожаат қилиши ва улар синтези ўлароқ янги кўринишларнинг юзага келиши кўзга ташланади. Баркамол ва ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаш, маънавий ривожлантириш борасида давлатимиз миқёсида амалга оширилаётган ишлар хореография санъати соҳасида хилма-хил рақс услублари, йўналишлари ва мактабларнинг шаклланишига тurtки бўлмоқда. Қолаверса, болалар ижодиёти дадил кадамлар билан глобализация жараёнига кириб келмоқда.

Тажрибадан келиб чиққан ҳолда шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳар доим ҳам анъаналар ривожини намоён этувчи янги омиллар тўғри тушунилмайди, баъзан ҳатто инкор этилади. Бу эса, кўп йиллар мобайнида болалар рақс санъатида тўпланган бадий тажрибани билмасликдан келиб чиқади. Ўз навбатида бундай оқибат анъанавий рақслар тизимига, жумладан классик ва халқ рақсларига бўлган қизиқишнинг сусайиб боришига, хореографик композицияларда рақсларнинг тимсолий доираси, мазмундорлигининг йўқолишига, бирхилликка олиб келмоқда. Айниқса, бундай белгиларни болаларни ўзига жалб қилаётган замонавий рақс

турлари – фристайл, хип-хоп, брейк данс, джаз-ракс, модерн-ракс, техно ва шунга ўхшаш янги замонавий рақслар мисолида кўришимиз мумкин.

Болалар хореографик ижодининг тарихий ривожланиш босқичларини ўрганиш, анъана ва маданий қадриятларини тадқиқ этиш бугунги давр талабига мос бўлиб, ҳозирги болалар рақс санъатининг истиқболли ривожланиш тамойилларини аниқлаб, миллий ўзбекона анъаналарига содиқлик руҳида тарбиялаган ҳолда анъана ва замонавийлик ўртасида тўғри мувозанат ўрнатишга кўмаклашиши мумкин.

Ушбу мавзуда ёзилган илмий-тадқиқот ишлари ва мақолалар деярли йўқ.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Малакавий ишнинг методологик асосини маданият, рақс санъати, эстетика ва маънавий масалаларнинг турли қирраларини ёритувчи тадқиқотлар ташкил этди. Хусусан, ўзбек санъатшунослигида рақс санъати масалаларига бағишланган Л. Авдеева, Р. Каримова, Н. Абрайкулова, Д. Сайфуллаева, Ў. Муҳамедова, Г. Хамраева, Л. Хасанова ишларининг таҳлили мисолида миллий хореография санъати ҳақида умумий таассуротлар ва бу борада илмий тажриба даражасини аниқлаш имкони пайдо бўлди.

Бевосита болалар рақс санъатига бағишланган ишлар фольклоршунослик соҳаси билан боғлиқ бўлган болалар фольклори масалаларини ёритувчи тадқиқотларда қисман очиб берилади. Шулар қаторида Ш. Галиев, Б. Жаҳонгиров, О. Сафаровларни эслаш жоиз. Айрим мавзу масалалари маҳаллий матбуотда бугунги кунда фаолият кўрсатаётган болалар рақс жамоаларига бағишланган мақолаларда ўз ифодасини топади.

Жаҳон илмида болалар ҳаваскорлик хореографик ижодиёт масалаларига ва унинг турли аспектларига бағишланган ишлар ҳам мавжуд. Хусусан, уларнинг салмоқли қисми услубий масалаларнинг таҳлилига қаратилган: болалар хореографик жамоаларини ташкил қилиш

услуги, хореография фанларини ўқитиш услуги ва болалар репертуарини ташкил қилишда услубий тавсиялар. Ушбу масалаларга бағишланган тадқиқотлар қаторида 1940 йилларда рус халқ хороводлари ва рақслари мисолида болаларни тарбиялаш тизимини ишлаб чиққан тадқиқот ҳам аҳамиятга эга (Тузувчи – В.В.Окунева[3.37]). 1950-йилларда эса бир қатор йирик хореографларнинг рақс бўйича тўплаган тажрибаси «Эстетическое воспитание средствами хореографического искусства» (Е.В. Конорова таҳрири остида[3.51]) асарида батафсил ёритилади. Муаллифлар турли ёшдаги мактаб болалари билан рақс машғулотларини ўтказиш тизими, болалар рақсларининг ўзига хос хусусиятлари, услубий масалалари, рақс устида ишлаш бўйича ташкилий масалалар каби кўплаб аспектларни ёритиб беришлари эътиборга лойиқ.

1960-йилларда Ю.И. Громов¹ ўз тадқиқотида таълим-тарбия масалаларини таҳлил қилиб, турли йилларда болалар репертуарининг ўзгариши, ривожланиши, бойтилиши ва бу борада янги услубий кирралар, рақс тилининг мураккаблашиши ва бойтилиши, янги сифатлар билан таъминланиши масалаларининг ёритилиши билан қимматлидир. Муаллиф илк бор педагог балетмейстернинг шахси, ўрни ва мавқеига эътибор қаратиб, унинг олдида болалар билан ишлашда қўйилган вазифалар доирасини белгилаб беради.

Малакавий ишда санъатшуносликда шаклланган тарихий, қиёсий-таҳлилий ҳамда мажмуавий илмий-тадқиқот усуллари қўллаб, Ўзбекистон болалар рақс санъатининг ўрни ва умумэстетик асослари аниқланади. Ишда билдирилган умумий мулоҳазалар ва чиқарилган хулосаларда Ўзбекистоннинг Истиқлол мафкураси ғоялари, хусусан, Президент И.А. Каримовнинг маданият ва санъат масалалари бўйича баён этган қарашлари методологик асос бўлиб хизмат қилади.

¹ Громов Ю.И. Работа педагога-балетмейстера в детском хореографическом коллективе. Основы подготовки специалистов-хореографов. Хореографическая педагогика: учебное пособие. — СПб., 2006.

Шундай қилиб, илмий ва махсус адабиётларни таҳлил қилиш асносида болалар рақс санъатини ўрганишда бадиий-эстетик масалаларга нисбатан услубиёт масалаларига кўпроқ эътибор қаратилганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, малакавий битирув ишимизда белгилаган мавзу бўйича тадқиқот йўқлигини таъкидлаш лозим.

Тақиқот мақсади ўзбек болалар жамоаларининг фаолиятини тадқиқ қилиш ва асосий ривожланиш тамойилларини белгилаш.

Малакавий ишнинг вазифалари:

- болалар рақс санъатининг ўзига хос табиатини очиб бериш;
- ўзбек болалар рақс санъатининг ёшига мувофиқ ривожланиш аспектларини ёритиш;
- Мустақиллик йилларида замонавий болалар хореографиясининг жанр серкирралигини очиб бериш;
- ТДМРваХОМ қошидаги хореография коллежи ижодий фаолияти мисолида болалар профессионал рақс санъати, ижро репертуарини таҳлил қилиш ва таснифлаш;
- замонавий босқичда болалар хореографиясининг ўзгача тили ва фарқли қирраларини ёритиб бериш.

Тадқиқот объекти – болалар хореографик ижодиёти (хореография коллежи мисолида).

Тадқиқот предмети – замонавий ўзбек болалар хореографияси.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Замонавий болалар хореографияси ўзига хос ижод соҳаси сифатида илк бор малакавий битирув иши сифатида ўрганилмоқда. Хусусан:

- болалар хореографик ижоди ўзига хос бадиий-тафаккур тизими сифатида қайд этилиб, болалар дунёқарашининг махсус томонлари ва ривожланиш қонун-қоидаларини ўзида акс этади;
- болалар хореографик ижоди тушунчаси илк бор комплексли, тарихий-бадиий ҳодиса сифатида эътироф этилади;

– болалар хореографик ижоди махсус қирралари аниқланиб, таҳлил этилади;

– ўзбек миллий рақс санъатини болалар хореографик ижодиёти шаклланишига ўтказган таъсири илк бор очиб берилади.

Малакавий битирув иши олдига қўйилган мақсад ва вазифалар ишининг **тузилиш таркибини** белгилаб берди.

Мазкур иш Кириш, иккита боб, Хулоса, Адабиётлар рўйхати ва Иловадан ташкил топган. Ишнинг умумий ҳажми 61 бетни ташкил этади.

Кириш қисмида муаллиф малакавий иш мавзунининг долзарблиги, ушбу мавзу бўйича эълон қилинган адабиётлар рўйхати, ўрганилиш даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, назарий-методологик асоси, илмий янгилиги ҳамда малакавий ишнинг таркибий тузилиши ёритилади.

Биринчи боб – "Болалар рақс санъати табиати"деб номланган бўлиб, икки фаслдан ташкил топган. Биринчи фасл §1.1. **"Баркамол ёш авлод тарбиясида хореографиянинг ўрни"** мавзусида муаллиф хореографиянинг баркамол авлод тарбияланишида тутган ўрни ва мавқеи, болаларнинг шахсий бадий ўзлигини шакллантиришда рақснинг ўрни ва мавқеи, хореографиянинг катта эстетик таъсир қилиш кучи ва эмоционал жўшқин омил сифатида кўриб чиқилади. Болаликнинг беғубор дамларида рақс санъати энг аввало, катта ва чуқур ҳис-туйғулар санъати сифатида эътироф этилади.

Иккинчи фасл §1.2. **"Болалар хореографиясининг ёшига мувофиқ хусусиятлари"**деб номланган фаслда болалар хореографик ижодиётида ёшнинг аҳамияти ва ўрни, болалар репертуарининг ўзига хослиги ва шаклланиши хусусида фикр-мулоҳазалар ўрин олади. Хусусан, муаллиф хореографик жамоаларида болалар психологияси, жисмоний, ақлий ўсиши ва камол топишида замонавий педагогикада ишлаб чиқилган таснифий босқичлар аниқлаб берилади ва таҳлил қилинади.

Иккинчи боб – "Замонавий болалар хореографиясининг жанр, шакл ва услубий серкирралиги" масалаларига бағишланган бўлиб, бугунги кун болалар рақс ижодиётининг ривож ва ўзга хослиги таҳлилини тадқиқ этишга бағишланади (§2.1. Мустақиллик йилларида болалар хореографияси). Иккинчи фасл биринчи фаслнинг мантикий давоми бўлиб, болалар хореографиясининг шакл, жанр ва услубий кирраларини Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактабининг коллеж фаолияти ўқув тизими асосида тадқиқ этилади (§2.2. ТДМРваХОМ коллежининг фаолияти).

Хулоса қисмида иш юзасидан чиқарилган натижалар умумлашма тарзда баён этилади.

Иловада болалар рақс репертуаридан олган асарларнинг рўйхати ва рақс намуналаридан парчалар, республикамизда фаолият олиб бораётган етакчи рақс жамоаларининг фотосуратлари ўрин олган.

БИРИНЧИ БОБ

БОЛАЛАР РАҚС САНЪАТИНИНГ ТАБИАТИ

§ 1.1. Баркамол ёш авлод тарбиясида хореографиянинг ўрни.

Бугунги кун ижтимоий-сиёсий, маданий ва таълим соҳаларининг ривожланишига қаратилган чора-тадбирлар қаторида келажагимиз учун баркамол ва етук ёш авлодни тарбиялаш, унинг бадий-ижодий салоҳиятини ривожлантириш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, жамиятимиз равнақи учун юқори интеллектуал, ўзининг мустақил ва ноанъанавий ёндашуви билан ўз йўлида туғилаётган муаммоларни ечиб, ҳаётга татбиқ этувчи ижодий шахсларга бўлган эҳтиёж борган сари ўсиб бормоқда. Бу эса ўсиб келаётган навқирон ёшларимизни тарбиялашда янгича услуб ва шаклларни излашга ундайди. Бу борада айнан болалар дунёси тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотади, чунки бу паллада уларни "шахс" сифатида етилиши, маънавий дунёқараши, ўзини ҳис қилиш ва идрок этиш томонлари шаклланади.

Юртбошимиз И. А. Каримов "Юксак маънавият енгилмас куч" китобида бу борада қуйидагиларни эътироф этади: "Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инсон ўз умри давомида оладиган барча маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг "Қуш уясида кўрганини қилади" деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради. Одамзод учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёқараши – буларнинг барчаси аввало унинг туғма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ

эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради. Айнан мана шу даврда бола ҳамма яхши-ёмон нарсани тушуниб, англай бошлайди, унинг беғубор онги бамисоли босма қоғоз сингари оиладаги, ён-атрофдаги барча воқеа-ҳодисаларни, уларнинг замиридаги таассуротларини ўзига шимиб-сингдириб олади. Унинг ота-онасига, бобо ва момоларига меҳри ва ҳурмати, ўзини ўраб турган муҳитга нисбатан муносабати кундан-кунга такомиллашиб боради"².

Хореография санъати бу борада болаларнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим роль ўйнайди. Болаларни хореография ёрдамида тарбиялаш масаласининг самарадорлиги ушбу санъатнинг синтезли характери, хусусан, ўз ичига мусиқа, ритмика, тасвирий санъат, театр ва пластик ҳаракатларнинг мужассам этилишида кўринади.

Болаларни бадиий тарбиялаш амалиётида хореографиянинг ўрни бўлакча бўлса ҳам унинг асл имкониятлари бугунги кунга қадар тўлиқ ишлатилмай келинмоқда. Сабаби, кўплаб таълим масканлари асосан билим беришга қаратилсада, эмоционал ва ахлоқий томонлари иккинчи даражада туради. Хореография санъати ёрдамида болаларни бадиий тарбиялашнинг кўплаб шакллари ўрин олган. Айнан хореография санъати бошқаларга нисбатан визуал, эшитиш, ҳаракат қилиш, ҳиссиёт, эмоционал таъсирланиш ёрдамида оламни идрок этишга ёрдам беради, ақлий чарчоқликнинг олдини олиб, сўнгги ақлий фаолият учун туртки ва куч беради.

Маълумки, болалик даври психологик нуқтаи назардан ижодий қобилиятни ривожлантиришда энг яхши дамлар ҳисобланади. Ушбу вақтда болалар ўта қизиқувчан бўлади, оламни ўрганишда серғайрат ва катта иштиёқни намоён этадилар. Бу борада ота-оналар уларни қизиқишларини қондириш, болалик тажрибасини ошириш мақсадида турли хил фаолият турларига жалб қилади. Билим ва тажрибани ошириш эса – келгуси

² Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч — Тошкент, 2008.

ижодий фаолият учун мустаҳкам замин яратиб беради. Қолаверса, болажонларни фикрлаш онги, катталар онгида қотиб қолган қонун- қоидалар, қўйилган чегараларга нисбатан бирмунча эркин ва мустақил бўлади. Бу муҳим жиҳатларни эса ҳар томонлама ривожлантириш даркор.

Юқоридагиларни хулосалаб шуни қайд қилиш мумкинки, болалик даври ижодий салоҳиятни ривожлантиришда катта имкониятлар очиб беради. Ўз навбатида бу имкониятлардан ёшликда қай даражада фойдаланилиши келгусида одамнинг ижодий салоҳиятини белгилаб беради.

Рақс санъати қадимдан нафақат тарбиявий, ахлоқий томонларни ривожлантиришга балки гўзаллик ва нафосатга интилиш, бадиий дидни шакллантиришда муҳим ўрин тутган.

Маълумки, эстетик тарбия универсал характерга монанд бўлиб, барча санъат турлари ва шакллари, инсон фаолиятининг табиатга, ижтимоий ҳодисаларга, инсонларга нисбатан шаклланган муносабатини аниқлаб кўрсатади.

Педагогика ва психологияда болаларни тарбиялаш масаласи марказий ўрин тутди ва педагогиканинг ҳар бир бўлаги таълим-тарбия, дидактиканинг лейтмотивига айланади.

Эстетик тарбия муносабатни билдириш орқали амалга оширилар экан, эмоционал мезоннинг шахсни ижодий шаклланишида ўрни ниҳоятда катта.

Ёш болани гўзаллик оламига яқинлаштириб, ёшлигидан яхши дидни шакллантиришга ҳаракат қилинади. Умуминсоний қадриятлар болаларда энг аввало миллий-маданий қадриятларни идрок этишидан бошланади. Хореография баркамол шахсни тарбиялашга кўмаклашиб, оқилona тарбиялаб, таълим беради. Хореография кўплаб истеъдод қирраларини- ритм ҳисси, пластика, координация, латофат ва иродани мустаҳкамлаши мумкин. Шунингдек, болаларни янада интизомли, мақсадга интилувчан, кучли характерли ва бурч ҳиссини идрок этувчи, жисмонан тетик шахс этиб

шакллантиради. Хореографияда асрлар давомида шаклланиб саралаб олинган тана ҳаракатлари, шубҳасиз, болаларнинг соғлиғига ижобий таъсир ўтказади.

Болаларнинг сахнада маҳорат билан эркин, енгил ва парвозли рақс ижро этишлари ортида болалар ва устозларнинг машаққатли меҳнати турганлигини баъзида унутиб қўямиз. Болалар билан ишлаш – бу ҳар дақиқа, ҳафта, йилдан-йилга уни шахс, баркамол инсон қилиб тарбиялаш учун болаларга ўзининг ҳаётий ва руҳий кучини бахшида этиш демакдир. Бундай ҳолат болалар билан ҳаётини боғлаган ҳар бир инсонга тааллуқли.

Республикамизда таълим тизимининг турли босқичлари учун ишлаб чиқарилаётган дастурлар ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топиши, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаб, жамият ва давлатимиз равнақи учун керакли инсон бўлиб етиштишларига қаратилган.

Ахлоқий тарбия тушунчасини илк бор амалиётга Ф. Шиллер киритган бўлиб, унинг ортида нафақат санъатни идрок этиш, тушуниш, балки эстетик тарбия ёрдамида яхлит инсонни шакллантириш ётади.

Ахлоқий тарбия жараёнида ҳар бир боланинг махсус, индивидуал қобилияти шаклланади. Кўпинча болаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, энг аввало, бадий ижод турини танлаш ёки маълум йўналишга йўналтиришдан бошлаб уларнинг хоҳиш-истаги, интилишлари, табиатан ато этилган мойиллиги ва истеъдодига қараб танланади. Рақс ижодиёти ёрдамида эстетик вазифалар бошқа таълим турлари билан ўзаро жипсликда амалга оширилади. Бадий тарбия ахлоқий тарбия тизимига кириб, мақсадланган педагогик жараён сифатида болаларда санъатни тушуниш, ҳис қилиш, завқ олиш, роҳатланиш ҳамда ижодий фаолият давомида ушбу бадий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган.

Рақсни ўргатиш жараёни болаларда дадил ижодий салоҳиятни ва бадиий раҳбарликни ўсишига тurtки бўлади. Рақс лексикасини ўзлаштириш орқали ёшлар нафақат пассив ҳолда гўзалликни идрок этиши балки, маълум қийинчиликларни енгиб ушбу гўзалликни қўлга киритиш учун ҳаракат қилишни тақозо этади. Ижод жараёнида идрок этилган гўзаллик туфайли болалар ўзга санъат турлари ва ҳаётнинг барча жабҳаларида нафосатни чуқурроқ ҳис қиладилар. Қадимги юнон файласуфи Демократ [3.56] бу борада қимматли фикрларни ёзиб қолдирган эди: "Агар ўқимаса на санъат, на донишмандликка эришиш мумкин". Я. А. Коменский [3.25] эса, инсонда ёшлик чоғларида сингиб борган нарсалар мустаҳкам ва кучли бўлади деб ёзади.

Дарҳақиқат, ҳозирда ушбу масалага бағишланган ва хореограф-балетмейстерлар томонидан йиллар давомида орттирилган катта тажриба бевосита болалар билан ишлаш жараёнида муқобил йўлларни ишлаб чиқишга ундамоқда. Хусусан, хореографик жамоалар, рақс тўғараклари ҳамда мактабларда болаларнинг бадиий тарбияланишида рақснинг ўрни ва моҳиятини ёритиш, мақсад ва вазифаларини белгилаш, услубиётини ишлаб чиқиш, болалар репертуарини шакллантириш каби масалалар алоҳида аҳамиятга эга.

Замонавий хореография санъатида болалар табиати ва имкониятидан келиб чиқиб улар учун махсус ишлаб чиқилган, профессионал таълим мезонларига жавоб берувчи рақс ҳаракатларининг катта ва кичик миқдори аниқлаб берилган. Хусусан, миллий-сахнавий, тарихий-маиший рақслар ҳаракати ёрдамида ранг-баранг юқори савияли болалар репертуарини яратиш мумкин. Шунингдек, профессионал услубиётида мавжуд бўлмаган бироқ айнан болалар билан рақс сабоқларини ўзлаштиришда ва самарали натижаларни берувчи маълум қўшимча ва услубий воситалар ҳам ишлаб чиқилди.

Хореография бўйича болаларга таълим бераётган жамоалар раҳбарлари нафақат уларнинг рақсга бўлган муҳаббатини уйғотиш, чиройли ва жозибали рақс ижро этиш, балки бу санъат тилини тушунишни ўргатиши лозим бўлади. Шубҳасиз, гўзалликка шайдо бўлиб қолган инсон эса ҳеч қачон нопок, дидсиз бўлмайди.

Болалар ижро этган рақслар мазмундор, бадиий ва шу билан бирга содда бўлиши керак. Рақсларни саҳналаштириш жараёнида, бевосита танланган миллий рақс анъаналари билан яқиндан таништириш лозим бўлади. Шунда хореограф уларга нафақат механик тарзда ҳаракатларни ўзлаштириш балки ўзига хос характери, ижро услубини топа олишни ҳам кўрсатиши даркор. Болалар рақслари учун танлаб, саралаб олинган мусикий асарлар, пластик ҳаракатлар ва саҳнавий либослар, уларда тартиб-интизом, бадиий дид, мусиқавийлик, ижодий мойиллигини ривожлантирган ҳолда ҳар томонлама жисмоний тетик бўлишига замин яратади. Шу билан бирга рақс орқали ҳар бир бола ўзининг ички индивидуал қиррасини намоён этишга қодир бўлади.

Рақс санъати серқирра ва бепоён, рақсга тушишни оз бўлсада иштиёқи бўлган ҳар бир болакай ёки қизалоқ уддалай олиши мумкин. Статистик маълумотларга кўра қобилиятли, истеъдод эгаларининг сони, оддий болаларга нисбатан 1\1000 ташкил қилар экан. Аммо ушбу фикрга жавобан шуни унутмаслик лозимки, ҳар бир болада сирланган истеъдод мавжуд, уни фақат топиб "олмос" каби унга ишлов бериб ҳақиқий, ноёб "гавҳарга" айлантириш даркор. Рақс деб аталмиш ижод турида ҳар кимга жой топилади. Бунинг учун педагог (хореограф, балетмейстер) ҳар бир боланинг характерли томонларини аввало кашф этиб, айнан шу томонларига эътиборни кучайтириб, ривожлантириши керак. Яъни боланинг барча имкониятларини ривожлантирган ҳолда индивидуал жиҳатларига алоҳида урғу бериш ҳам ўта муҳимдир.

Бу борада биз болалар рақс санъатининг азалдан бажариб келинган асосий вазифалари доирасини ажратиб оламиз:

- болаларнинг ижодий истеъдодини ривожлантириш, уларга кўмаклашиш;
- ички руҳий ва маънавий дунёсини бойитиш;
- ўзлигини англашга ёрдам бериш;
- жамоавий фаолиятнинг дадил иштирокчисига айлантириш;
- гуруҳ ва жамоада ўзини тутиш, мулоқот қуриш каби муҳим жиҳатлари кўникмаларини ошириш.

Маълумки, болаларнинг ахлоқий тарбияси билвосита рақсларни сахналаштириш ва репертуарни танлаш жараёнида ҳам амалга оширилади. Хусусан, рақслар асосида ётган ахлоқий мезонларни таҳлил қилиш, ўспирин ёшлар доирасида ножўя ҳодисаларга нисбатан танқидий баҳолаш мезонларини шакллантиришда кўринади.

Болаларнинг сахнага чиқиб ўз ижролари учун масъулиятни ҳис қилишлари ҳам ниҳоятда катта аҳамиятни ифода этади (айниқса, турли концерт ва фестиваллар, танлов ва байрамлар, нафақадагилар ва ногиронлар олдида чиқиш қилиш шулар жумласидан).

Ёшларнинг ижодий қизиқишларини ривожлантириш ва ўсиши учун хизмат қилувчи хореография ўз ичига турли санъатларни қамраб олади. Хусусан, хореографиянинг асосини ташкил қилган рақс – ҳаракатларни ташкиллаштирувчи шаклдир. Ўзга санъат турларидан рақсга тузилмавий, ассоциатив ва умумийлик қонун-қоидалари билан энг яқин турган санъат – мусиқа. Бироқ рақснинг пластик ва тасвирий тили визуал ва аниқдир. Ўзининг юқори кўринишида рақс – пластик мусиқадир.

Болалар психологияси ва педагогика масалаларига бағишланган тадқиқотлар, амалиётчи-устозлар (мусиқачилар, балетмейстер ва хореографлар) ҳамда тиббиёт соҳа вакиллариининг кўп йиллик тажрибасидан келиб чиқиб болаларда рақс ҳаракатларини ўзлаштиришга мойиллиги ва

бунга бўлган қизиқиши турли босқичда ҳар ҳил бўлганини исботлаб беради. Масалан, 6-7 ёшда ва ундан бир мунча катта бўлган болалар ўз ҳаракатларини уддалаб, мусиқа жўрлигига енгил мослашиб, ҳеч қандай тўсқинликсиз рақс импровизациясини қўллайдилар. Ушбу ёшда улар ифодавий ҳамда ритмик ҳаракатлар кўникмаларини эркин қўллайдилар, тинглаш эътибори кучаяди ва боланинг индивидуал мойиллиги янада ёрқинроқ кўзга ташланади. Улар ҳаракат орқали мусиқанинг кайфияти, динамик доираси, темп, мураккаб бўлмаган ритмик сурат ва мусиқанинг ўзгаришига қараб ҳаракатларни ўзгартириши мумкин.

Болаларнинг ижодий фаоллигини ошириш аста-секин мақсадланган таълим-тарбия, мусиқий тажрибани кенгайтириш, ҳиссиёт, таассурот олиш ва фикрлашларни жадаллаштириш асосида ривожланади. Бу ёшда болаларда тинглаб олинган мусиқадан пайдо бўлган эмоциялари уларда маълум ҳаракат фаоллиги туғилишига туртки беради. Педагогнинг бу борадаги мақсади, уни тўғри йўналтириб, ўринли ва қизиқарли мусиқий-рақс матнини топишида кўринади. Мусиқага қараб ҳаракат қилиш – болалар рақс машғулотларида бутун дарс давомида қўйилган катъий талабдир. Ҳаракатлар мусиқадан келиб чиқиб, нафақат унинг умумий кайфияти балки, аниқ ифода воситаларини ҳам акс эттириши лозим.

Тимсолий сўз, мусиқа ва ҳаракат ёрдамида болаларни тасаввур қилиш қобилияти ривожланади, бола мусиқий асарнинг характерини аниқроқ кўрсата билади, ҳаракатлар эркин ва дадил бўлиб кўринади.

Рақснинг ёшларга ўргатиш борасида яна бир муҳим томони – рақснинг суратидир. Ҳар бир рақс сурати ўзидан-ўзи мустақил бўлмай, хореографик асарнинг ҳаракатлар тизими, лексикаси билан узвий боғлиқ. Яъни рақс ҳаракатлари абстракт тарзда пайдо бўлмайди, улар маълум фазовий ечимда ривож топади. Рақс ҳаракатлари – товуш, сўз каби маълум пластик аҳамиятга молик белгиларни ташкил қилади. Айрим ҳаракатлар

такрор ижро этилишини тақозо этса, бошқалари дарҳол қабул қилиниб такрорга муҳтож бўлмайди.

Рақслар учун саралаб олинган ҳаракатлар қўйилган мақсадга қатъий жавоб бериши даркор. Бир асарнинг ичида қўплаб ранг-баранг ҳаракатларни қўллаб ишлатиш унинг муваффақиятли чиқишининг омили бўлмайди. Аксинча, баъзан асарнинг бадиий қимматини тушириши мумкин.

Рақс миллий онгни тарбиялашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Турли миллат ва элатларнинг рақслари, услублари ҳақида болалар олиши мумкин бўлган маълумот, жаҳон халқлари тарихи ва жаҳон маданиятининг ривожланиш босқичларини ўрганиш каби муҳимдир. Чунки рақс орқали ҳар бир миллатнинг тарихи, маънавияти, ўзига хослиги, қалби, урф-одатлари ва характери ўз ифодасини топади.

Ўз миллий рақсларини ўрганиш эса худди ўз тили, куй-қўшиқлари, анъаналарини ўрганиш каби ниҳоят муҳим бўлиб, ўз ичида асрлар давомида ишлаб чиқилган миллий характер, этник ўзига хослигини мужассам этади. Юқоридагиларни хулосалаб болалар рақслари олдида турган асосий вазифаларни қўйидагича белгилаш мумкин. Болалар рақслари ўзига хос олам бўлиб биринчи галда *таълим бериш (1), тарбиявий (2), ривожлантирувчи (3)* вазифаларни амалга оширади. Булар қуйидагилар:

- қуршаб турган олам ҳақида тасаввурларни шакллантириш;
- турли халқлар ва элатларнинг бой маданияти билан таништириш;
- болалар дунёқарашини кенгайтириш, эстетик дидни шакллантириш (рақсда ҳаракат гўзаллигини кўра билиш);
- жамоавий ҳиссини тарбиялаш;
- ахлоқий сифатларни тарбиялаш;
- миллий ва ўзга маданият анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаш;

- ҳаракат кўникмаларини шакллантириш, ритм ва куйни тинглаш ҳамда мусиқа характерини ҳаракат орқали ифода этишни ривожлантириш;
- болаларнинг умумий жисмоний ривожини таъминлаш;
- болаларнинг ижодий тафаккури, ижодий мойиллигини ривожлантириш ва такомиллаштириш.

Хореография таълимининг асосий мақсади–болани эстетик тарбиялаш ва эстетик дидини шакллантириш. Педагогнинг вазифаси – уларга эркинликни ҳис қилишга ёрдам бериш, ўз индивидуаллигини тўлақонли кўрсатиш учун шарт шароитлар яратиб бериш, унда сирланган имкониятларини чиқариш ва очиб беришга қаратишдир.

Болалик ахлоқни шакллантириш давридир. Шу ёшда ахлоқий асослар қай даражада шакллантирилса, болаларнинг сўнгги ахлоқий ривожи ҳам шунга боғлиқ бўлади. Ахлоқий тарбия дўстлик, тинчлик ва болалар ўртасида аҳиллик ришталари асосида амалга оширилади. Болаларнинг жамоада тарбия топиши бу борада ниҳоят катта аҳмиятга эга.

Жамоа – ҳаракат қилувчи тарбия воситаси сифатида инсонлар ўртасида муносабатни шакллантиришга, ўзаро ёрдам беришга, бир-бирини ҳурмат қилишга қаратилгандир. Жамоада бола ўз билими, кўникмаларини, ўзгаларга намоён этишга, атроф муҳит ва фаолиятга нисбатан бўлган муносабатини акс эттиришга ҳаракат қилади, ўз меҳри, шижоатини дўстларига кўрсата олади.

Рақс мактаблари, тўғарак ва жамоалар юқорида билдирилган барча мақсад ва вазифаларни амалга оширишга ҳизмат қилади. Шунини қайд қилиш лозимки, рақс жамоаларининг ижодий фаоллиги кўпинча уларга раҳбарлик қилаётган устозлар жамоасининг ижодий ёндашуви ва ҳаракатига боғлиқ бўлади. Айнан улар юқори маданият воситачилари сифатида бутун жамоанинг маънавий ҳаётини аниқлаб берадилар.

Маълумки, жамоа масалалари билан ўз вақтида кўплаб файласуфлар, социологлар, ўқитувчи ва руҳшунослар шуғулланишган.

Жамоанинг педагогик назарияси ривожига П.П.Блонский, Л.С.Выгодский, Н.К.Крупская, П.Н.Лепешинский, В.И.Сорока-Росинский, С.П.Шацкийлар ўз вақтида катта улушларини қўшган. Жамоада шахсни шакллантириш назарияси бошида А.С.Макаренко[3.56] турган.

Замонавий тадқиқотчилар ушбу масалани ўрганишда турли ёндашув ва талқинларни қўллаб келмоқдалар. Хусусан, Л.С.Новикова [3.35] болаларнинг шахс сифатида камол топишида болалар жамоасини энг самарали ўрганиш воситаларини қўллаб келди. Т.Е.Конникова [3.28] томонидан тақдим этилган илмий тасаввурларда жамоанинг асосий мақсади бевосита болаларнинг ахлоқий тарбиясида кўринади.

Ҳозирда ушбу масалага бағишланган ва хореограф-балетмейстерлар томонидан орттирилган катта тажриба болалар билан ишлашнинг муқобил йўллари ишлаб чиқишга ундамоқда.

§ 1.2. Болалар хореографиясининг ёшига мувофиқ хусусиятлари

Бугунги кун давлатимиз томонидан иқтисодиёт, сиёсат, маданият соҳаларида олиб борилаётган туб ўзгаришлар албатта ушбу механизмларни амалга оширишга қодир бўлган замонавий инсоннинг шахсий хислатларини талаб қилади.

Замонавий ўзгаришлар конкрет ҳаракатларни талаб қилади. Шу боис, болалар тарбияси ва таълимига қаратилган барча ижтимоий-тарбия ташкилотлари эътиборини бу борада кучайтириш ўта муҳим. Эскича ғоялар, хусусан: мактаб – билим беради, турли жамоалар эса, жумладан жисмоний тарбия – болаларни жисмонан ривожлантиради, бадий–эстетик ўстиради, меҳнат жамоалари эса меҳнат ва ишга бўлган муносабатларини тарбиялайди деган стереотиплардан бугунда ҳоли бўлиш даркор. Дарҳақиқат, ҳозирда ўз сафига болаларни киритган ҳар бир жамоа белгилаб олган мақсаддан ташқари ҳар бир боланинг шахсий

фазилат ва қобилиятларини ҳар томонлама, яъни комплекс равишда ривожлантиришга қаратилган.

"Инсоннинг тарбиясида фақат бир томонига урғу бериш нотўғри"- деган бир пайтлар буюк психолог, мураббий А. С Макаренко. Унинг бу сўзлари ҳам бугунда ниҳоят долзарбдир. Масаланинг шундай қўйилишида болалар учун мўлжалланган хореографик жамоаларнинг имкониятлари кенглиги ва нақадар кучли эканининг гувоҳи бўламиз.

Хореографик жамоанинг бадиий воситалари (табиати, пластика, мусиқа, тасвирий ва бошқа) тизимининг органик яхлитлиги асосида ўз ҳаракатларини намоён этади. Болаларнинг ҳам бадиий-эстетик ҳам ахлоқий даражасининг ўсишига қаратилади.

Аммо ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиши учун (яъни ҳиссиёт ва интеллект, ақлий ва жисмоний даражасининг мутаносиблиги, эркинлик ва интизомлик ҳисси ва ҳ.к.) энг аввало бадиий-педагогик жараёнларнинг яхлитлигини тақозо этади. Хусусан, қўлланилаётган ҳар бир бадиий усул педагогик нуқтаи назардан исботланган, педагогик вазифа эса машғулотнинг бадиий хусусиятидан келиб чиқиб ушбу воситалар орқали ечилиши лозим бўлади.

Бу борада боланинг истеъдодини намоён этиш этиувчи шахсий ва бетакрор хислатлари кашф этилишида устоз балетмейстерларнинг педагогик вазифаси мавжуд имкониятлар ва шарт-шароитларига қаратилиб, болалар аниқ ёш гуруҳига мўлжалланиши лозим ва бу борада маълум тарбия воситаси ва усуллари ишлаб чиқилади.

Масалан, маълумки болаларда ўсиш жараёнининг ҳар бир босқичида ўзига хос ўзгаришлар рўй беради. Буни инобатга олган хореограф-балетмейстерлар турли ёшдаги коррекция қирраларига ўз эътиборини қаратадилар. Болаларнинг ёшини тўғри инобатга олиниши, ёшларнинг руҳий ва маънавий ривожланиши учун яхши муҳит тайёрлаб беради.

Замонавий хореография санъатида болалар табиати, ёши ва имкониятидан келиб чиқиб улар учун махсус ишлаб чиқилган, профессионал таълим мезонларига жавоб берувчи рақс ҳаракатларининг катта ва кичик миқдори тақсимлаб берилган. Хусусан, миллий-сахнавий, тарихий-маиший рақсларнинг ҳаракати ёрдамида, ранг-баранг юқори савиядаги айнан болалар репертуарини ҳам яратиш мумкин. Шунингдек, профессионал услубиётида мавжуд бўлмаган, бироқ айнан болалар билан рақс сабоқларини ўзлаштириш ва самарали натижаларни берувчи маълум қўшимча услубий воситалар ишлаб чиқилди.

Болалар билан ишлаш жараёни ўта мураккаб. Болалар рақслари учун тақдим этилаётган барча пластик ҳаракатларни болалар механик тарзда ўзлаштирмаслиги даркор, акс ҳолда, ҳаракатлари табиий, эркин ва ифодавий чиқмайди. Профессор Е. Аркин болалар психологияси хусусида шундай қимматли кузатувларни қайд этган: "Болаларни дрессура қилишдан енгил нарса йўқ, айнан бу нарса болаларни индивидуаллигини ривожда қизиқтириш ва шу билан бирга йўлдан оздиришнинг энг катта хавфига айланади".

Юқорида таъкидлаганимиздек, болалар учун рақс репертуарини танлашда болаларнинг қизиқиши ва ёшини инобатга олмоқ зарур.

Болалар асарлари учун танланган “рақс тили” шак-шубҳасиз ўқувчиларнинг имконияти ва иқтидорига боғлиқ. Шу боис ҳаракатларнинг сони ва техник маҳорат даражаси чекланган бўлади. Бироқ, бу нарса ўз ичида ҳаракатларни жонли импульси ва “рақс тили”нинг сифатли бой кўринишлари қўлланишини инкор этмайди.

Рақсларни сахналаштириш жараёнида хореограф-балетмейстер болаларнинг имкониятларига мос ҳаракатларни танлаш лозим. Албатта асарнинг услуби, характерини унутмай, классик рақс элементлари ёки комбинацияларни танлаши, халқ ва замонавий рақсдан олинган

ҳаракатларни оқилона ишлатиш, танланган бадиий рақс образига мувофиқ рақс ҳаракатларининг танланишини инобатга олиши зарур.

Рақс тилининг ўзига хослиги, лейтмотив каби такрорланиб, ўзгариб, вариантланиши мумкин. Шу боис нафақат ҳаракатларни яратиш балки (муסיқада товушлар тасвири каби) уларнинг динамик ривожлов суратини кўриш керак. Бу борада балетмейстер олдида турган вазифа болаларнинг ёши билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни инобатга олиб, ўзини муסיқа ва санъат соҳасидаги билим ва тажрибасини оширишда кўринади.

Рақсни болаларга гўё ўз қоидасига эга ўйин сифатида тақдим этиш керак. Шунда уларнинг ўзида ҳам рақснинг шакл, ифодавий ва тасвирий воситаларини аниқлаш борасида рақс образининг сифатини мустақил тарзда ўрганишларига имкон очилади.

Образ мазмуни ва уни нисбий шакл кўриниши бирикмаси болаларда реалликни копмлекс ҳис қилиш ҳиссини яратиб (рефлекслар занжири) аста-секин товуш ва сўзнинг бирикмаси каби табиий бўлиб қолади. Сўнгги қадамларда эса болаларда рақс санъати, унинг компонентлари, актёрлик ва муסיқий ифодавийлик, рақс ҳаракатларининг мантиқи, уларнинг классик, халқ, бал рақсларининг эстетик қоидалари билан мувофиқлиги ҳақида таассуротлари кенгайиб боради.

Рақс образининг серқирра ва мазмундорлиги болаларнинг маънавий, рухий оламини ривожлантиради. Санъат асарларида инсон оламининг турфа ва серқирра ҳис туйғулари ва кечинмаларининг акс эта олиши, уларнинг идрок этилиши илмда мантиқан ёритилган маълумот каби ҳақиқийдир.

Хореография санъати, қалб эхтирослари орқали болаларга ҳаётнинг гўзаллигини очди. Ҳақиқат – болалар учун рақс санъатида ҳиссиётли ахборот сифатида келиб ва шахснинг ижодий потенциалини ривожлантиришга мақсадланган.

Кўпинча ўрта мактаб ёшидаги болалар хореографик жамоанинг ўзагини ташкил қилади.

Уларнинг билимга чанқоқлиги ёш хусусияти билан аниқланади. Бу ёшда улар ниҳоят ҳаракатчан, ахборотни тез илғаб ва қабул қилишлари ҳамда маълум вазифаларни ечишга шай бўлиши билан тавсифланади. Уларни ўз тенгдошлари билан жонли ижодий фаолиятда машғул бўлиш қизиқтиради.

Хореографик жамоа ёки тўғаракда машқларни олиб бориш уларда катта иштиёқ ва муҳаббат ҳиссини туғдиради. Чунки хореография машғулотида уларнинг ҳаракат ва жонли фаолиятга бўлган чанқоқлиги қондирилади, ушбу ёшга хос бўлган қувноқлик кўзга ташланади.

Кичик мактаб ёшдаги болаларга нисбатан улар бир мунча кучли ва жисмонан тетик бўлиб уларга турли хореографик ҳаракатларни ўзлаштириш осондир. Улар завқ-шавқ ва матонат билан машқ қилишади. Рақс машғулотида болалар ўзларининг шахсий қизиқишларини қондиради, таълим ва саҳналаштирилувчи иш жараёни эса уларда рақсни саҳналаштиришда ижодий ёндашувлари учун замин яратиб беради.

Алоҳида ўрин ушбу ёшдаги болаларда хореографик жамоада дўстона ришталарнинг ўрнатилишига қаратилган.

Жамоавий машғулотлар тизими томошабинлар олдида рақс ижро этиш, саҳналаштирилган рақсларнинг муваффақиятли чиқиши учун барчанинг маъсулиятли бўлиши, болаларнинг бир яхлит жамоага айланишини тақозо этади, болаларнинг умумий иш учун ҳамнафас бўлиши, ишга, ўзига ва ён атрофидагиларга нисбатан масъулиятни ҳис қилишини тарбиялайди.

Ўрта ёшдаги болалар билан машғулотлар бир мунча чуқур ўтилади. Уларга ҳаракатларни чиқаришда аниқ бажаришлари учун катта талаб

қўйиш ва ўтиладиган ўқув машғулоти оғли равишда идрок этишларига эришиш мумкин.

Ушбу ёшдаги болаларда одатда кичик мактаб ёшдагиларга қараганда эътибор мустаҳкам бўлади ва улар машғулотларни ўтишда қунт, матонат кўрсатишлари мумкин. Болаларнинг рақс ижро этишга бўлган катта иштиёқ ва қўйилган мақсад сари дадил ҳаракат қилишлари дарс машғулотларида жиддий кайфият яратиб беради.

Маълумки, ўрта ёшдаги болалар рақс машғулотларининг мазмунига кичик ёшдаги болалар билан ўтиладиган таркибий бўлимлар киради. Классик машғулотларига кирган иш ҳажми ҳам кенгайиб боради. Болалар уларни дастгоҳ (станок) ва майдон ўртасида ўрганишади. Машқлар ҳам бир мунча мураккаб шаклда берилади, негаки ушбу ёшда болалар бир вақтда қўл ва оёқлар, бош ва корпус координациясини бажариши мумкин. Уларга кўрсатилган барча ҳаракатларни улар аниқ ва лўнда кўрсатиб беришга қодир.

Ушбу ёшдаги болаларда илк бор халқ рақси учун мўлжалланган машғулотлар дастгоҳ ва майдон марказида ўргатилади. Халқ рақсларини ўргатиш борасида болалар билан халқ рақслари услуби, характери хусусида суҳбат уюштириш лозим ва рақс ҳаракатларини маиший ҳаёт, халқнинг турмуш тарзи, миллат тарихи билан боғлаб кўриб чиқиш тавсия этилади. Болаларга бериладиган ахборот ушбу ёшдаги болалар билим ва ривожига монанд берилиши керак. Болаларни улар ўрганаётган рақснинг миллати, унинг қўшиқ ва куйлари, халқ либос ва орнаментлари билан таништириш мақсадга мувофиқ.

Болаларда ижодий мойилликни ривожлантириш ҳам катта аҳамият касб этади. Ушбу ёшдаги болалар ҳар нарсага эътиборли, катта таассурот олиши билан ажралиб турадилар ва рақснинг образини яратишга катта завқ-шавқ билан киришиб кетадилар. Шунда катта ихтирочилик, фантазия ва ҳажвий ёндашувларини намоён этадилар.

Агар кичик мактаб ёшидаги болалар машғулотларида болаларнинг ижодий истеъдоди турли мазмунли ўйинлар орқали намоён бўлса, ўрта мактаб ёшидаги болалар рақслари машғулотларда этюдлар яратиш, иншо сифатида бажарилади. Яъни, бундай ижодий ёндашув рақс мазмун-моҳиятини тушуниш, рақс образининг характерли белгиларини топиш, барча ҳаракат элементларини ўйлаб топишга чорлайди.

Болалар ўзини ижодий фаолиятига катта қизиқиш билан ёндашади. Мустақил ишларида улар қатиятлик, дадиллик ва ушбу ёшга хос бўлган беғуборликни намоён этадилар. Улар этюд мавзусига турли вариантлар тайёрлаб устозлари кўрсатган хато ва камчиликларни диққат билан тинглаб, катта қизиқиш билан ўзгаларнинг этюдларини томоша қиладилар.

Этюдларни бажариш жараёнида мусиқий-ритмик машғулотларни ўтиш мақсадга мувофиқ. Мусиқий жўрликни оқилона саралаб танлашда, болаларни ушбу матн асосида мусиқий тушунчалар, ифода воситалар тизими ва терминологияси билан таништириш ҳам ўринли. Мусиқа этюд мазмунини очиб беришга ва ҳаракатларни мазмунга мувофиқ таснифлашга ёрдам беради ҳамда рақсга ифодавийлик беришда кўмаклашади.

Рақс ижросининг ифодавийлиги устида ишлашда ҳар бир болага индивидуал ёндашув катта аҳмият касб этади.

9-10 ёшдан эътиборан хореографик жамоаларда ўғил болалар сони кўпайиб боради, чунки илк ёшида рақс тушишга бўлган қизиқиш ўғил болаларда кузатилмайди.

Ўғил болалар қиз болалар каби рақсни хуш кўрадилар, бироқ рақсдан ўз кучи ва ғайратини рўёбга чиқариш воситаси сифатида фойдаланадилар. Уларни рақс ҳаракатларининг эпчиллиги, кучи ва гўзаллиги ром этади. Улар матонат ва ҳошиш билан машқларни бажаради ва кўпинча юқори натижаларга эришади. Бироқ энг биринчи паллада

рақсни ўзлаштириш болаларда осон бўлмайди, қизларга нисбатан улар бир мунча вазмин бўлиб рақс ҳаракатларини лапанглаб бажарадилар. Бу ҳол уларнинг иззат-нафсига тез тегиб қолади ва уларнинг жамоадан кетишига сабаб ҳам бўлиши мумкин. Ўғил болалар рақс ҳаракат машқларининг аҳамиятини тез идрок этмайди. Хореограф раҳбарнинг вазифаси уларни қизиқтириб олиб жамоада ушлаб қолишга, вақтида мақтов, ўрнида танбеҳ беришни ўрганиши лозим. Ўғил болаларни машқларга жалб қилиш учун катта фаоллик ва топқирлик талаб қилинади. Хусусан, энг содда машғулотларда ўғил болалар учун қизиқ бўлган мавзу орқали эътиборларини жалб қилиб шу йўл орқали ҳар бир боланинг индивидуаллиги ва ёндашувини кашф этиш мумкин.

Шундай қилиб ўғил болалар билан ўтилган биринчи иккита дарс қиз болалар рақсларидан фарқ қилишини керак бўлади. Қиз болаларни биринчи машғулотлардан бошлаб дарҳол таълим жараёни ўзига қизиқтиради. Уларни ҳаракатларнинг бир хиллиги ва аниқ ижро этиш шарти ҳолдан толдирмайди. Улар ҳаракат машқларини ўзлаштириш натижасида аста-секин рақс ижросига олиб келишини ақлан англаб оладилар.

Ўғил болалар эса хореографик жамоага қўшилганидан сўнг дарҳол рақс тушиш, ижро этишга шай бўладилар. Фақат вақт ўтиши билан рақсларни сифатли ижро этиш учун мунтазам машқ қилишларини тушуниб етишади.

Ўғил болаларни эпчил ва чаққон бўлиб рақсларда куч ишлатишларига эҳтиёткорона ёндашиш лозим. Уларни мураккаб ҳаракатлар билан толиқтириб қўймаслик зарур. Рақсга тайёргарлик кўрмасдан мураккаб ҳаракатларни киритиш (ўтириш ва ўрамали юришлар) ҳаддан ортиқ жисмоний юкламага айланади бу эса болалар учун хавфли ва дидини шакллантиришга салбий таъсирини ўтказиши мумкин. Фақат соф техник маҳорат йўли орқали болаларни ижро савиясини кўтариш катта хато

чунки бу нарса болаларни рақс санъатининг мазмун-моҳиятидан узоқлаштиради. Шу ёшда болалар рақснинг мазмуни, ифодавий дунёси ҳақида оз бўлсада таассуротга эга бўлмоғи зарур.

Ушбу ёшдаги болалар қийинчиликларидан бири рақсларда ўғил ва қиз болаларни бирлаштиришда кўринади. Ўғил болалар фақат ўғил болалар учун мўлжалланган рақсларни эркин ва ўз ихтиёри билан бажарадилар бироқ, жуфт рақсларда улар қиз болалардан йироқлашишга ҳаракат қилиб биргаликда рақсга тушишига эътирозларини билдиради. Бундай вазиятда педагог-хореограф болалар билан тарбиявий ишлар олиб бориб, қиз ва ўғил болалар орасида дўстона муносабатлар шаклланишига замин яратиб бериши даркор. Бу эса тез амалга оширилмайди албатта, кутилган натижаларни олиш учун турли услубий тавсияларга мурожаат қилиш ва бу борада мунтазам иш олиб бориш мақсадга мувофиқ. Қиз ва ўғил болаларнинг умумий саҳналаштирилган рақсда бирлашуви, бир-бирларининг ютуқларини кўришлари ва таҳлил қилишлари, буларнинг ҳаммаси ижобий натижалар чиқаришга ва муносабатлар ўрнатилишига туртки беради. Шунда мукаммал болалар ижодий жамоаси яратилади. Рақсларда қиз ва ўғил болаларнинг қатнашуви қизиқарли бўлиб, ранг-баранг, рақс репертуарини яратиш учун имкон беради. Болаларнинг бирлашуви тарбиявий мақсадни амалга оширишга ҳам кўмаклашади.

Ушбу ёшдаги болалар репертуари етарли даражада ранг-баранг ва сержилодир. Уларнинг таркибига болалардан маълум ижро тайёргарлигини талаб қилувчи миллий ва байналминал рақслар киради (катта қизиқиш уларда сюжет мазмунига эга рақслар уйғотади).

Болалар учун репертуар танлашда хореограф болалар рақсларининг саҳналаштирилиши ҳаддан ташқари "болалик" бўлиб қолмаслигига, шунингдек уларнинг имкониятларини суистеъмол қилмасликка ҳаракат қилиш керак.

Болаларни рақс ижро этишида шакли ва мазмунига қараб тўғри, чиройли ва ифодавий, улар талабига мувофиқ қилиб танлаш лозим. Ушбу ёшдаги болалар учун машғулотларнинг вақт меъёри – икки академик соат чегарасида, ҳафтада икки маротаба ўтказилади.

Хореография бўйича машғулотлар жадвали дастлаб сафланиш, марш ва устоз учун туриб салом беришдан бошланади. Сўнгра тартибий ритмик машқлар бажарилади. Машғулотнинг ушбу кириш қисми 8-10 дақиқани ташкил қилади.

Дарснинг сўнгги босқичи рақс маҳоратини оширишга мўлжалланган машқлардир. Хусусан, дастгоҳ олдида экзерсис, сўнг болалар сахна ўртасига жойлашиб шу ерда машқларни давом эттирадилар (сакрамлар, мушакларни чўзиш). Ушбу машқлар бир мунча дадил олиб борилиб 30-40 дақиқа вақт мобайнида бажарилади. Рақс элементларини ўзлаштиришга эса 12-15 дақиқа ажратилади. Қолган машғулот вақти рақсни сахналаштириш бўйича этюд ишига бағишланади. Кўпинча этюдларни шу вақтда ўрганилаётган мавзу асосида яратиш самарали натижаларни беради. Болалар бу борада ўзлаштираётган рақсни янада чуқур ҳис қилишлари, рақс образларини равшан қилиб тушуниб олишларига имкон яратилади. Болалар катта қизиқиш билан ўйинли рақсларда ҳам иштирок этадилар.

Шуни қайд қилиш лозимки, ўзининг услуби ва ижро талқинига эга миллий рақсларни сахналаштиришда (масалан грузин, молдовия, хоразм рақсларида) ўрганиш ва ўзлаштириш учун ажратилган вақт кўпаяди, чунки ушбу халқлари рақсларига хос бўлган ижро усулуни акс этиш бир данига амалга оширилмайди.

Ўспирин ёшидаги болалар маълум ижодий тажрибага эга бўлиб, уларни хореографик жамоада барча жиддий таълим-тарбиявий ишларни амалга ошириш ва шу билан бирга хореография дарсларидан катта қувонч ва завқ олишлари учун имконият очилади. Машғулотлар тартиби

ҳам ўрта ёшдаги мактаб болаларининг машғулоти каби тузилади, бироқ ўспиринларнинг жисмоний ва руҳий ривожланиш ўзига хослигидан келиб чиқади.

Ушбу ёшда ўғил ва қиз болалар бир текисда жисмонан ўсмайди, ўғил болаларга кўра қизлар анча ўсиб кетади. Ўспирин ёшлар сезгирлиги, ўта ҳиссиётлилиги ва ҳар нарсага эҳтирос билан фикр билдириши билан ажралиб туради. Ўспирин ёшидаги болалар аввалги ёши босқичидаги беғурборлигини йўқотади. Улар ён атрофга катта қизиқиши, мустақил ҳаракат қилиши ва мақсад сари интилишлари билан эътиборни тортади, бироқ бу фаоллик болалик белгиларига эга: бу ёшдаги болалар ўз олдига қўйган мақсадни бошқа ишга ишқибоз бўлиб тез орада алмаштириши мумкин. Турли ютуқларни ишғол этиш мақсадида улар кучи етмаган ишларга ҳам қўл урадилар хусусан, хореографик жамоада ўспирин болаларни оддий ва енгил ҳаракатлар қониктирмайди. Ўғил болаларнинг мураккаб ва оғир сахна ҳаракатларини бажаришига интилиши ўз қобилиятига ортиқча баҳо беришига асос бўлади. Вақтида берилган маслаҳатлар ва суҳбатлар, ўғил болалар ҳаракатларининг беҳуда сарф бўлмаслиги учун, фақат техник маҳорати томонга ўғирмаслик хавфининг олдини олади. Устоз хореографдан бу борада катта эътибор ва қунт, матонат талаб қилинади. Ўта эҳтиросли бўлгани учун ўспирин болалар танқидни оғир қабул қилади. Балетмейстер бу борада камчилик ва нуқсонларга эҳтиётлик билан эътиборини қаратиши лозим (масалан, ҳаракатларнинг мукаммал эмаслиги, рақсинг характерини тушуниб етмаслиги, бошқа болалар билан гердайиб момила қилиши ва б) .

Бу ёшда болалар ўртасидаги муносабатлар ақлан англаниб идрог этилади. Улар ўз ҳиссиёти ва ҳаракатларини жиловлашни ўрганишади, бошқаларга ёрдам қўлини чўзиш ҳамда ўз фикр мулоҳазаларини ҳимоя қилишга тайёр бўладилар. Ўспирин ёшидаги болалар орасида дўстлик ришталари кичик мактаб ёшидагиларга кўра камроқ бўлгани кузатилади

бирок, мустаҳкам ва доимийлик характери билан тавсифланади ва келгусида ўз давомига эга бўлади.

Ўспирин ёшидаги болалар рақс ҳаракатларини қисқа вақт ичида ўзлаштириш тажрибасига эга бўлгани улар билан мураккаб рақс комбинацияларини ўзлаштиришга имкон очиб беради.

Ушбу ёшдаги болаларнинг қизиқишлари ёрқин ва аниқ ижрони талаб этувчи халқ ва замонавий рақсларга қаратилади. Уларда рақс кўникмаларининг ошиб бориши туфайли рақс санъати ва рақслар хусусида ўзларининг мустақил танқидий қарашларини намоён қилиш қобилияти кучаяди. Энди айрим кичик рақслар уларни қониқтирмайди, улар ҳаракатли рақсларда иштирок этишга интилиб, ҳаракат қаҳрамонларининг образини тўлақонли кўрсатишга интиладилар.

Ишлаш шакллари бу ёшда асосан сюжетли, хореографик этюдлар, рақс спектакллари ва мюзикллардир. Хореографик спектакль катта тайёргарликни талаб қилувчи мураккаб ва қийин иш туридир. Шунга қарамай катта саҳналаштирилган рақсни кўйиш болаларда ижодий қобилиятни оширишга, уларда қизиқишларни орттириш, рақсга бўлган онгли ва мустақил муносабатнинг ўсишига кўмак беради.

Хореографик спектакл устида ишлашда спектакл мазмуни болалар қизиқишларига яқин бўлишини инобатга олиш лозим, спектакл шакли ва ҳажми эса ишни болалар томонидан охиригача, болаларни толиқтирмай етказишга имкон берилиши лозим.

Болалар рақс постановкаларида "катта шакллар" устида ишлаш дастлаб махсус тайёргарликни талаб қилади. Сюжетли рақслар ва рақс этюдлари болаларнинг ифодавий ва реал ҳаракатига боғлиқ, бу кўникма эса этюдлар устида ишлашда кўринади. Ҳаракатнинг айрим эпизодли вариантини яратишда, болалар лавҳанинг мазмунига кўпроқ эътибор бериб бу саҳна улар учун реал ва конкрет шаклга айланади. мазкур ишда болаларда кузатувчанлик, дид ва ижодий қобилият намоён бўлади.

Хореографик жамоада мактаб ёшидаги катта болаларнинг қатнашиши одатда кўп бўлмайди. Мактабда ўқув машғулотларининг юкламаси катталиги боис, хореографик жамоаларга мунтазам қатнаб юрувчи ўқувчилар сони ҳам қисқариб боради. Бунинг натижасида уларни хореографик жамоада кўпинча ўрта ёшдаги болалар билан бирлаштиришга тўғри келади. Бу эса маълум қийинчиликлар туғдиради.

Мактаб ёшидаги катта болалари репертуари алоҳида саралаб олиниши лозим, чунки улар билан уларнинг ёши ва онгига мувофиқ рақслар ўзлаштирилиши лозим. Улар учун қўшимча репертуар ўтиш лозим бўлади ва бу нарса гуруҳ ёки жамоада ишлаш жараёнини бирмунча қийинлаштиради.

Ушбу ёшдагилар учун қўйилган постановкалар ҳам мазмун ҳам техник маҳорат нуқтаи назаридан мураккаб ва қизиқиш уйғотиши керак. Уларни рақслардаги қувонч, ўз ғайрати, шижоати, эпчиллигини акс эттирувчи ёшлар мавзулари қизиқтиради.

Замон шароити уларни хореографияда модерн, хип-хоп каби янги оқим ва йўналишларни ўрганишга даъват этади. Бироқ мактаб ёшидаги катта болалар қўшимча постановкаларни ўзлаштириш, машғулот вақтини унумли ишлаштишга боғлиқ. Машқ-машғулот бўйича вазифалар сақланиб қолади. Бироқ катта мактаб ёши болалар ҳаркатлари бирмунча мураккаб шакл ва кўринишга эга.

Маълумки, жамоа учун қилинган ҳар бир саҳналаштириш асосан маълум ижрочилар салоҳияти ҳисобидан келиб чиқади. Шу боис бир хореографик жамоада қўйилган постановка иккинчи жамоада шу тарзда ва шундай даражада ижро этилишини кутмаслик лозим. Бизнинг кузатувларимиз шуни кўрсатадики, ҳар гал ҳам бир рақсни иккинчи жамоада шаклан ва мазмунан ижро этилиши нафақат ижрочилар маҳоратига бориб тақалади, балки рақслар болалар учун енгил бўлса ҳам қийинчиликлар туғдиради.

Рақс саҳналаштируви ва иш услубиёти биринчи галда педагогик вазифалар билан аниқланади. Бу:

- болаларнинг ўрганилаётган материалга нисбатан ақлий ёндашувини тарбиялаш;
- болаларнинг ижодий қобилиятини ўстириш;
- рақс санъати соҳасида мустаҳкам билим ва кўникмаларни бериш;
- демократик жамият талабларига мувоффиқ ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашдир.

Рақс саҳналаштириш услуги олдиндан тайёргарликни талаб қилади. Тайёрлаш босқичи эса қўйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- болалар тарбиясига бўлган аҳамиятни ҳисобга олган ҳолда мавзунини танлаш. Бу борада катта ахборот материалини териш ва устоз санъаткорлардан маслаҳат олиш муҳим;

- болалар учун яқин ва тушунарли сценарий яратиш;
- рақс постановкасига жавоб берувчи мусиқий асарни танлаш. Мусиқа рақснинг тимсолий ва мавзу доирасини ёритиб беришга кўмаклашади. Шу боис бадиий мусиқага бўлган талаб алоҳида аҳамиятга эга. Халқ рақслари мусиқий жўрлиги учун асл халқчил намуналарни ишлатиш мақсадга мувофиқ. Катта хореографик постановкаларни амалга оширишда бир композитор услуги ёки унга яқин бўлган мусиқий материални танлаш даркор бўлади;

- сўнгги ишлаш босқичи ифодавий воситалар тизими (постановка таркибига кирган ҳаракатлар) ва постановка шакли (суратни чизгилари)ни аниқлашда кўринади. Бироқ машғулотларнинг амалий жараёнида рақс сурати ва ҳаракатларни ўзгартириш мумкин бўлади. Рақс шакли болалар билан ишлаш жараёнида охириги кўринишда тасдиқланади;

- болалар билан саҳналаштирилаётган рақс, тимсолий доираси, характери, қаҳрамонлар ҳаракати хусусида қисқача суҳбат ўтказиш.

Сухбатлар жонли, қизиқтира оладиган ва болалар тасаввурида ёрқин ҳаракатларни яратиши керак;

– хореографик постановканинг безалишини ўйлаб чиқиш, сахнавий либос катта аҳамиятга эга бўлиб, томошабинларга рақснинг мазмун-моҳиятини очиб беришга кўмаклашади. Либос болаларда бадиий ва эстетик дидни шакллантиради, шу боис, унинг ранг ёрқинлиги, услуби, енгиллиги, нафислигига эътибор бериш керак бўлади. Халқ рақслари учун мўлжаллаган либос ёшга мувофиқ бўлиб, халқ либосига монанд бўлиши керак. Рақс жараёнида ишлатилган аксессуарлар ва нарсалар яхши бажарилган ва сахналаштиришдан аввал тайёр бўлиши лозим. Декорацияларнинг тўғри қўйилиши болаларни сахнада аниқ фазовий ечимни тушунишига ёрдам беради.

Болалар хореографик жамаолари репертуарига қўйилган талаблар асосий учта мезонга жавоб бериши лозим. Булар – ғоявийлик, бадиийлик ва ҳаммабопликидир. Ушбу учта мезон бир-бирига боғлиқ бўлиб, ўзаро бир бирига таъсир ўтказади. Уларнинг бири бўлмаса сахналаштириш тўлақонли амалга оширилмайди.

Ғоявий мезонига унинг асосий фикрининг аҳамияти, замонавий ижтимоий жамият учун аҳамияти, болалар учун тарбиявий ўрни билан аниқланади. Бадиийлик мезони ғоя ва шаклнинг бир хиллиги, ғоя кадри, ҳиссиётлар, юқори ахлоқий аҳамиятга эга шакллар, гўзал ва шу билан бирга болалар учун уддалаши мумкин бўлган кўринишида аниқланади

Ҳаммабоплик мезони эса ғоявий-бадиий ва болалар имкониятлари ўртасида мутаносибликка ҳизмат қилиши лозим. Ғоя шак-шубҳасиз ҳамиша улуғ ва буюк бўлиши керак, бироқ ҳар бир аниқ вазиятда бу ғоя болалар учун тушунарлими ёки рақсда ифода этишга қаратилган ҳиссиётларни акс эттира олишини назарда тутиш лозим. Болаларнинг куч-имкониятларини ҳам инобатга олмаслик мумкин эмас. Ушбу вазифаларнинг ечими ҳар бири алоҳида олинган ҳолатда болалар

жамоасининг таркиби, маълум шарт-шароитлари, рақс санъати борасида орттирган кўникма ва тажрибалар даражаси билан аниқланади. Шунинг учун керакки, постановканинг мазмун-моҳияти томошабинларга ижрочилар орқали узатилади. Шу боис талқиннинг бадиийлик мезони рақснинг табиийлиги ва ифодавийлигига бориб тақалади. Бу эса бир томондан постановканинг бош ғоясининг тўғри тушунилиши, иккинчидан техник воситаларни ишонарли ва моҳирона ишлатишга боғлиқ.

Болалар жамоалари билан ишлаш ва репертуарини танлашда қўйиладиган хатолар қўйидагича: Одатда катталар репертуаридан олинган намуналарни кичик ёки ўрта ёшдаги болалар репертуарига киритиш ноўрин. Масалан, "Оққуш кўли"дан олинган дуэтлар қанчалик шоирона етук бўлмасин уларни болалар доирасида ижро этиш мумкин эмас, чунки шакл ва мазмун бўйича улар севишганлар диалогларини ташкил этади. Кичик ва ўрта ёшдаги болаларга ушбу ҳиссиётлар таниш эмас. Рақснинг мазмуни, характерини тушунмай болалар фақат устозларидан кўрган ҳаракатларни тўғридан-тўғри кўчирмачилик асосида ўрганадилар. Бу эса болаларнинг ижодий мойиллигини борган сари сусайтиради.

Баъзан хореографик жамолар болаларнинг ёшига қараб эмас, балки рақс ижро этиш даражасига қараб шакллантирилади. Бу вазиятда бутун гуруҳ болалари билан асар мазмун моҳиятини бир хил тушуни мумкин эмас. Болаларни гуруҳларга тўғри тақсимлаш мавзуларни танлашда ҳам эркинлик беради. Болалар хореографик жамоаларининг мавзуи болаларнинг ёши билан боғлиқ ўсиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда режалаштирилиши даркор.

ИККИНЧИ БОБ
ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР ХОРЕОГРАФИЯСИ
(жанр, шакл ва услубий серкирралиги)

§2.1 Мустақиллик йилларида болалар хореографияси

Мустақиллигимиз шарофати билан миллий санъатимиз равнақи ва тарғиботига алоҳида эътибор берилди. Бу борада ўзбек рақс санъатини ривожлантириш борасида қатор самарали ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Президентимизнинг Фармонида биноан: Миллий рақс ва хореография санъатини янада ривожлантириш, ўзбек рақс санъатининг тарихий анъаналарини ва усулларини тиклаш, авайлаб-асраш ҳамда бойитиш, миллатимизнинг ўзига хос шарқона фазилатлари, бой маънавиятига монанд рақсларни тарғиб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий рақс йўналишлари бўйича узоқ муддатли, мақсадли дастурлар тайёрлаш, рақс санъатини халқимизнинг юксак маънавияти ва нозик дидига зид бўлган, юзаки, ноўрин тақлидга асосланган хатти-ҳаракат ва либослар хуружидан сақлаш, махсус таълим тизимини такомиллаштириш, ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган ва авлоддан авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган жозибали рақс намуналарини тўплаш, бойитиш; халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига бу бебаҳо бойликларга чуқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини сингдириш, уларда миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини юксалтириш”³ каби долзарб масалаларга жамоачилик ва санъат аҳли эътибори қаратилди.

Республикамизда айниқса, баркамол ёш авлодни тарбиялаш ва бу йўналишда болалар хореографиясининг истиқболига қаратилган чоратadbирлар алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу йилларда давлатимиз томонидан болалар хореографик ижодиётини қўллаб-қувватлаш

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони. 1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил 1 сон, 26-28 бетлар.

натижасида болалар рақс жамоалари сони ва ташкилотлари кенгайиб боради. Давлат ва нодавлат ташкилотлар олиб борган рағбатлантирувчи тадбирлар (фестиваллар – "Янги авлод", "Келажак овози", "Санъат ғунчалари", "Ниҳол", "Замонавий хореография ва спорт пластикаси" ва б. кўрик танловлар, олимпиадалар, байрам томошаларидаги чиқишлар) болалар рақс санъатини услубий, шакл ва жанр серқирралигини ривожланишига замин яратиб берди. Шунингдек, болаларнинг мактабдан ташқари маданий ташкилотлари (маданият уйлари қошида фаолият олиб бораётган рақс тўғараклари, ансамбллар) ва марказларнинг фаолияти Республикамизда болалар рақс санъати ривожига муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Болалар ҳаваскорлик ижодиёти билан шуғулланувчи махсус Давлат ташкилотлари ва услубий кенгашларнинг фаолияти, хусусан ТДМР ва ХОМнинг профессор-ўқитувчи, хореографларнинг бу борада амалга ошираётган ишлари, рақс тарбиясига бағишланган ўқув услубий дастур ва қўлланмалар, репертуар тўпламларининг яратилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Болалар репертуарини шакллантиришда профессионал артистлар, хореограф балетмейстерларнинг оталиқ ёрдамини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Сўнгги пайтларда давлатимизнинг болалар рақс ансамбллари ва студияларининг фаоллигини ошириши, рақс санъати ёрдамида болаларни тарбиялаш ва таълим бериш соҳаларида илмий салоҳиятини ошириш бўйича амалий ишларнинг бажарилиши, болалар рақс жамоалари ва алоҳида ижрочиларни қўллаб-қувватлаш тизимининг ташкил қилиниши: телевидение ва радио дастурларида чиқишлар, оммавий ахборот воситалари орқали намоёниш этилиши, фестивал ва танловларда қатнашиш, шунингдек болалар рақс жамоаларининг иш фаолияти натижаси кенг омма эътиборини ўзига қаратди. Хусусан, шундай тадбирлардан бири "Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови" – янги

мувафқият қозонган спорт лойиҳаси бўлиб, у ёш профессионал ва хаваскорларга (5 ёшдан 25 ёшгача уч гуруҳ) имкониятлар эшигини очиб берди. Унда иштирок этган энг яхши жамоалар нафақат соврин соҳибларига айланди балки диплом ва Фонд Форум томонидан грантлар билан қувватланиб борилди. Лойиҳа ёш иштирокчиларнинг хореографик маҳоратини ривожлантириш ва уларнинг профессионал даражасини оширишга қаратилган. Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро мусобақаси ижодий жамоаларга ўз маҳоратларини катта сахнада намойиш этишлари ҳамда ҳакамларнинг объектив баҳоларини олишлари учун ажойиб имконият берди. Мусобақа дастури доирасида жамоалар спорт-бал рақслари; халқларга оид рақслар; street-dance ("кўча" ракси); modern dance (free-style); спорт акробатикаси ва бадий гимнастика йўналиши бўйича. Чиқишлар бадий ва хореографик безаги, ижро пластикаси ва техникаси, ҳиссиёт, ижрочиларнинг актёрлик маҳорати, мусиқа, хореография ҳамда ижрочилар комстюмларининг мутаносиблиги нуқтаи назаридан баҳоланиб келинди.

Ўқувчи-ёшларнинг ўзбек миллий рақс санъатига бўлган меҳр-муҳаббатларини ўстириш, болалар орасида миллий халқ рақс санъатини кенг миқёсда тарғиб қилиш, ёш ижрочилар орасидан рақс оламига кириб келаётган ёш истеъдод соҳибларининг аниклаб, уларни шу соҳа бўйича йўналтириш, ёш рақс соҳибларининг рақс санъати намоёндалари билан ижодий ҳамкорлигини ўрнатиш, уларни рақснинг янгича усулларини яратишга қаратилган "Милий халқ рақслари" фестивалида иштирок этиши ҳам эътиборга лойиқ.

Дарҳақиқат, бугунги даврда болалар рақс йўналишларининг ҳар бирида ифода воситаларининг кенгайиши кўзга ташланади. Болалар рақс жамоаларининг ўзига хослиги улар ижро этувчи рақс йўналишига монанд репертуар мазмуни билан аниқланади

Ҳозирда рақс санъати ёрдамида таълим ва тарбия асослари шаклланиб ижтимоий ва бадий рақс турлари - классик, халқ ва бал

рақслари аниқланди, болалар репертуарининг ўзига хослиги ва асосий тамойиллари шаклланди, болаларнинг турли ёшига мувофиқ керакли бўлган хореографик маҳорат мезонлари ишлаб чиқилди. Бу ҳақда бугунги кунда Тошкентда фаолият олиб бораётган болалар рақс жамоалари раҳбарларининг фикр мулоҳазаларини келтиришни лозим топдик:

Ирина Хан "Мисо"("Улыбка") жамоасининг бадий раҳбари: Жамоамизга жуда кичкина болалар ҳам рақс санъатини ўрганиш учун келишади. Умумий жисмоний ривожланишдан ташқари, улар ўрганадиган рақс боланинг хотирасига яхши таъсир қилади, уни машқ қилдиради, чунки кичкинтойларга кўплаб фигуралар ва уларнинг кетма-кетлигини эслаб қолишларига тўғри келади-да.

Марина Громова, "Мерри Кидс" эстрада-бал рақслари жамоасининг раҳбари:"Мерри Кидс" жамоасида болалар нафақат рақсларни ўзлаштиради, бунга параллел равишда болаларни олий классика билан таништириш, мусикий дидни шакллантириш ишлари ҳам олиб борилади. Улар симфоник оркестр концертларига боришади, тез-тез консерваторияда бўлишади. Биринчи навбатда, рақслар қоматни, нозик ҳаракатларни шакллантиради. Шунингдек машғулотлар ҳар қандай ҳаракат фаолияти каби саломатлик учун ҳам фойдали. Рақс ёрдамида машғулотлар пайтида талайгина муаммолар ҳал этилади – сколиоз йўқолади, боланинг тетиклиги ортади, мушаклар мустаҳкамланади. Боланинг мактабдан ташқари ҳар қандай фаолиятига тегишли яна бир шубҳасиз плюс – бу масъулият, интизомнинг тарбияланиши, кун тартибининг ишлаб чиқилишидир. Қизиқишлар бўйича мулоқотнинг мавжудлиги ҳам яна бир муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Болага фақат фойда келтирувчи яхши ишининг дўстлари, ҳамфикрлари пайдо бўлади. Бунинг натижасида унда кўча, шубҳали ўртоклар ва тасодифий танишлар учун вақт қолмайди. У ҳар доим иш билан машғул бўлади.

Светлана Касаткина, "Жемчужина" жамоасининг раҳбари: Болалар учун рақс – бу ўзини ўзи ривожлантириш, ўз индивидуаллигини

шакллантириш ва намойиш этиш усулидир. Жуфт бўлиб ижро этиладиган бал рақсларининг ўқитувчиси сифатида шуни ишонч билан айтишим мумкинки, менинг ўқувчиларим учун ўз шериги билан рақсга тушиш – бу одоб-ахлоқ, яхши хулқ дарси ҳам ҳисобланади. Болалар спорти ва болани ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилаётган бизнинг мамалкатимизда рақслар синфдан ташқари машғулотлар орасида муносиб ўринни эгаллаган.

Тошкентда рақс секциялари жуда кўп, аммо асосийси бола нима билан шуғулланишни ўзи танлаши мумкин: классик, миллий, замонавий, жуфт, яккахон, дунё халқларининг рақслари шулар жумласидандир. Рақслар билан шуғулланишнинг яна бир ижобий томонини қайд этиш жоиз – бу мусобақалар ва танловларнинг ўтказилиши. Мамлакатимизда рақс мусобақаларининг мунтазам равишда ўтказилиши қувонарли ҳол. Уларнинг кўпчилиги давлат миқёсида ўтказилади.

“Янги авлод” болалар ижодиёти фестивали, Замонавий хореография ва спорт пластикаси бўйича халқаро танлов – ушбу иккита тадбир ўз қанотлари остига республикамизнинг узоқ ҳудудларида ва ҳатто қўшни мамлакатларда истиқомат қилувчи кичкинтойларни тўплайди”.

Сергей Злотников, раққос, хореограф, 2D STUDIO кўча рақслари мактабининг раҳбари: Замонавий кўча рақслари техник жиҳатдан анча мураккаб ва яхши жисмоний тайёргарликни талаб этади. Street dance билан мунтазам равишда шуғулланувчи болалар жуда чидамли, ҳаракатчан бўлиб, уларда ҳаракатлар координацияси яхши ривожланган. Энг муҳими эса, рақслар зарарли машғулотларга, ёмон одатларга вақт қолдирмайди, ялқовлик қилишга имкон бермайди.

Бундан ташқари кичикроқ миқёсдаги, аммо республика аҳамиятидаги тадбирлардан қолишмайдиган танловлар ҳам ўтказилади. Булар ҳисобот концертлари, намунали чиқишлар, шаҳар мусобақаларидир. Бола танлов ва мусобақаларда қатнашиб, катта омма олдида чиқар экан, унинг одамлар

тўдаси олдидаги кўркуви йўқолади, кураш ва ғалаба қозониш истаги туғилади. Шунингдек, рақобатнинг мавжудлиги ёш раққосларни рағбатлантиради ва ўзи устида янада кўпроқ ишлашга, ўсишга, энг яхшиси бўлишга мажбур қилади.

Муסיқа билан уйғунлашиб кетадиган ҳаракатлар – ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳузурдир. Бундай лаззатни эртами-кечми ҳар қандай раққос ҳис этади. Ҳозирча эса кичкинтойларимиз буни унчалик идрок этмайдилар, шу боис тўғри йўлни кўрсатиш ота-оналарнинг зиммасига тушади. Болага турли-туман машқлар орасидан рақс билан шуғулланишни маслаҳат берар экансиз, тез орада ўғлингиз ёки қизингиз хушчақчақ, соғлом, интеллектуал ривожланган, масъулиятли ва бамаъни бўлиб ўсаётганига ҳайрон қоласиз. Энди улар учун қувонишингиз мумкин бўлади, мамлакатимизда кўп бўлган яна бир ёш истеъдодни ривожлантириш ишининг асосий ёрдамчиси ва илҳомлантирувчисига айланасиз.

2010 йил Ўзбекистонда “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинган. Боланинг баркамол ривожланиши ва рақс – буларни синоним деса ҳам бўлади. Айнан спортнинг ушбу тури болаларни ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам ижтимоий ривожлантиради”.⁴

Болалар рақс жамоаларининг бу борада асосий омили дадил ижодий йўналишини белгилаган рақс жанрларнинг серқирралигида кўринади.

Республикамизда болалар хореографиясидаги жанрларнинг серқирралиги ривожига қуйидаги сабаблар туртки бўлди. Булар:

– профессионал хореографик рақс санъатининг юқори даражага кўтарилиши ва ифодавий воситалар сифатида илғор замонавий йўналишларни хусусан , джаз-рақс, модерн-рақс, спорт элементлари, эркин пластика ва классика синтези ўлароқ уларнинг ривожланиши ва мукаммаллашуви

⁴ <http://uzb.generation.uz> Анна Гриценко. Болалар учун рақслар — баркамол ривожланиш рицетпи.

– профессионал рақс дасталари олийгохлар қошида болалар мактаб-студияларининг ривожланиши, уларни хамиша ўз устида ишлаши ва янги пластик ечим ва шакллар, ифода воситаларини ўзлаштириш борасида тинимсиз изланишлар қилишлари катта аҳамият касб этди. Хусусан, замонавий рақс санъати, гимнастика, акробатиканинг янги ижро воситаларни яратишлари эътиборга лойиқ.

– ТДМРваХОМ фаолиятининг репертуарини ташкил қилишда кенг ва серқирра жанр адабиётини қўллаш

– эксперементларга ҳозиржавоблигини кўрсатаётган ва янги замонавий рақс оқимларининг дадил репертуарига киритиб бораётган янги эстрада ва замонавий болалар рақс жамоалари фаолиятининг жадаллашуви

– овоз ёзиш аппаратура ривожланиши билан хилма - хил мусиқий, юқори бадий адабиётни жалб қилишга ва шу орқали репертуарни кенгайтиришга замин яратиб берилиши

– замонавий ёшлар айниқса, ўспиринлар доирасида катта қизиқиш уйғотган йўналишлар: хип-хоп, брейк-данс, фристайл ва б. ишлаётган жамоалар фаолиятининг кенгайишидир.

Замонавий болалар рақс жамоларида жанр серқирралигига интилиш нафақат сақланиб қолиши балки, етакчилик қилиши билан ҳам кўзга ташланади. Қолаверса, жанр серқирралигининг ривож топиши болалар билан рақс бўйича ишлашда янги омилларни ишлаб чиқишга замин яратади.

Болалар репертуари ва жанрлар серқирралигининг ривожи болалар рақс ижодиётининг бадий улғайиши жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, хореографик драматургия ва образларни излаш борасида мусиқа ифода воситаларига мурожаат қилинишида кўринади. Бу рақснинг нисбий, умумлашган шоирона табиатга асосланиб ўзининг ифодавий воситаларини ривожлантиришга имкон очиб беради. Хусусан, кичик мактаб ёшидаги болалар рақс репертуарини мисол қилиб олсак унда рақс ва унинг

тимсолий-ифодавий тавсифи бадиий образ яратилишида асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиш мумкинки, Мустақилликка эришгач, юртимизда хореографик ижодиёт фаолияти жадаллашиб борди. Давлат дастурларида болалар ва ёшлар камолотига бағишланган кўплаб чора тадбирлар, давлат миқёсида ўтказилажак байрам ва тадбирларда болалар рақс жамоаларининг чиқишлари ва намойишлари ушбу санъат тармоғининг янада ўсиши учун замин яратди. Иқтидорли ёшларни профессионал рақс соҳа ижодкорлари бўлиб етилишида ўрта ва олий таълим муассасалари, жумладан Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг ўрни ва аҳамияти эътиборга лойиқ.

Бобнинг сўнгги фаслида замонавий болалар хореографиясининг жанр, шакл ва услубий серкирралигини ушбу таълим муассаси мисолида таҳлил қилишни лозим топдик.

§ 2.2 Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби коллежи фаолияти

Болалар рақс ижодиёти учун хореографик репертуарнинг хилма-хиллиги, жанр ва шакл серкирралиги долзарб масалар қаторида ўрин эгаллайди.⁵ Ҳозирда бу касбга йўналтирилган етакчи муассаса ва жамоаларда катта тажриба тўпланган. ТДМРваХОМ мактаб ва коллежининг намунавий репертуари шу нуқтаи назардан таҳлил этиб баҳолаш мақсад қилинган.

⁵ ТДМРваХОМ 1947 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Хукуматининг № 1480-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳрида хореография билим юрти сифатида ташкил топган. 1997 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги № 1695 сонли Қарорига асосан Хореография билим юрти базасида Тошкен давлат миллий рақс Олий мактаби ташкил этилиб, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус таълим (интернат) тизими сақланиб қолинган. 2004 йилда Тошкент хореография билим юрти хореография коллежига айлантирилган. 2011-2012 ўқув йили бўйича ТДМРваХОМ қошидаги хореография коллежида -187 нафар, Олий мактаб қошидаги ихтисослашган мактаб интернатида 297 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Коллеж ва мактаб ўқувчиларининг умумий сони 484 тани ташкил этади.

Маълумки хореография ўрта мактабига рақс санъатига қобилияти бор иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

“Классик рақс” (Балет артисти) бўлимига ўрта таълим мактабининг 4-синфини битирган 10-11 ёшли ўқувчилар қабул қилинади. Мазкур мактабнинг 9-синфини хореография соҳаси бўйича муваффақиятли битирган ўқувчилар, хореография коллежига хореография соҳасига автоматик равишда қабул қилинадилар ва ўзлари танлаган мутахассислик бўйича 3 йил ўқиб диплом оладилар.

“Халқ рақси” (Халқ рақс ижроچиси) бўлимига умумий ўрта мактабнинг 7-синфини битирган 13-14 ёшли ўқувчилар қабул қилинади. Мазкур мактабнинг 9-синфини битирган ўқувчилар, хореография коллежига автоматик равишда қабул қилинадилар ва ўзлари танлаган мутахассислик бўйича 3 йил ўқиб диплом оладилар.

Мактаб ва коллеж ўқувчиларининг таълим таркибига репертуарнинг ранг-баранглигини таъминлаган -"Классик рақс", "Халқ саҳна рақси", "Ўзбек рақс", "Дуэт классик рақси", "Эстрада ва бал рақси", "Ўқув саҳнавий амалиёт", "Ўқув саҳна машқларига тайёргарлик" каби фанлар мисолида амалга оширилади.

Хусусан, *"Классик рақс"* фанидан олиб бориладиган машғулотлар классик рақс асослари ва техникасини эгаллашга қаратилади (Мустаҳкам туришни ривожлантириш, Ҳаракатларни ўрганиш. Қўл ва гавда нафислигини ривожлантириш, ифодалилиқ устида узлуксиз ишлаш. Катта сакрашларни ўрганиш, мувофиқликни мураккаблаштириш. Ифодавийлик ва корпус пластикаси устида ишлаш ва ҳ.к). Унда қатъий академик усул, рақсда мусиқа характери ва руҳий моҳиятини очиб беришга қаратилган нозик пластик ва ифода воситалари, якка ва ансамбл ижрочилиги маҳоратини ўзлаштириш мақсад қилинган. Болалар дастгоҳ ёнида машқлар (экзерис), зал ўртасида сакрашлар, айланишлар, мураккаб ва мураккаб бўлмаган ҳаракатлар, комбинацияларни, шунингдек материалларни мустаҳкамлаш ва бадий

жихатдан ишлаш, такомиллаштириш, мусиқа ҳарактерини бадий нуктаи назардан очишга мақсадланади. Ушбу фан ўқувчи-боланинг индивидуал ижодий ва касбий тайёргарлик маҳоратини тўлиқ очиш, артистлик қобилияти, ижро жозибасини такомиллаштиришга кўмаклашади.

Халқ сахна рақси – турли халқ сахна рақслари, уларнинг мазмуни, ўзига хос қирраларини ўрганишга қартилган

Маълумки, халқ сахна рақси – балет спектаклининг ажралмас бўлагидир. Унинг лексикаси замонавий хореография ютуқлари умумий оқимида ривожланган ва бойитилган. Зарурият туғилганда халқ сахна рақслари қайта кўриб чиқилади ва такомиллаштирилади. Янги элементлар қайд этилади ва илгариги танлаб олинганлари (ишлаётган) билан бир қаторда дастурнинг таркибий қисмига киритилиши мумкин. Ушбу фаннинг машғулоти жараёнида халқ ва халқ-сахна рақслари ҳаракатлари, ҳамда театр репертуарларидан ўрин олган барча сахна рақслари ўрганилади. Бой ва ранг-баранг халқ ижро репертуари ўқувчиларни келажакда ҳаракат координациялари ва актёрлик маҳоратини намоён қилишга, техника ва ижро тарзини эгаллашга ёрдам берган ҳолда халқ ва халқ-сахна рақсида зарур бўлган турли материалларни ўзида акс эттиради.

Сахна рақси бўлимига кўп йиллардан буён сақланиб келаётган театр спектаклларида, янада ривожланаётган, қайта ишлаётган (кейинчалик) классик (мумтоз) рақс таъсирида кўриниши бир мунча ўзгарган рақслар киритилган. Халқ рақсларини ўрганаётган ўқувчилар халқлар турмуш тарзи, характери ва санъати билан танишадилар. Шу асосда, биринчи дарс, биринчи ҳаракатларданок ўқитувчи ўқувчиларга турли халқ рақсларидаги ҳаракатларнинг ўзига хослиги ва образлилигини очиб бериши, костюм (либос)лар ва мусиқа ҳаракатларининг хилма-хиллигини ҳикоя қилиб бериши лозим.

Материал танлаб олишда ўқувчилар касбий маҳоратини тарбиялашга мўлжалланган машқ элементларида бадий йўналишлар бўлиши ва халқ,

халқ-саҳна рақслари бўйича аниқ материалда эса таълим-тарбия элементлари сақланиши лозим. Мазкур фан болаларда ватанпарварлик, байналминаллик, халқ ижодига муҳаббат туйғусини тарбиялашга қўмаклашади.

Халқ саҳна рақси дастури коллежда 3 ўқув йилига мўлжалланган. Биринчи ўқув йилида жуфтлик рақс киритилади. Дастурда кўрсатилган материал асосида, шу йилдан бошлаб ўқувчилар ижро маҳоратини ошириш учун халқ рақси ансамбллари ва театр репертуарлари рақсининг мукаммал этюдлари ва рақслардан парчалар ўрганилади.

2- ва 3- ўқув йилларида халқ-саҳна рақсида миллий характери намоён этишга ва хореографик образлар яратишга, ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу машғулотларда эътибор мусиқий жўрликка қаратилади, негаки ўқитувчи ёки жўрнавоз танлаб олган мусиқа асари ўз характери, услуби, тимсолий ечими билан рақс материалига мувофиқ бўлиши ва ўқувчиларда бадиий образ яратишга ёрдам бериши лозим. Дастурда 5 очик позиция (вазият), бешта эркин, бешта тўғри ва иккита ёпиқ оёқлар вазияти, етти тайёргарлик вазият ва икки асосий қўл ҳолати қамраб олинган. Қўл ҳолатларининг алоҳида, ўзига хос, муайян халқ рақсига тааллуқлиги ҳар бир ҳолатда алоҳида кўрилади

Халқ-саҳна рақси фани билан бирламчи танишиш, турли халқлар ва халқ - саҳна рақсларида, оёқ, гавда, қўл, бош ҳолатлари йўсини, услуб ва характерининг ўрганиш мақсад қилинади. Ўқувчилар координация ва ифодавийликни ўстирувчи дастгоҳ ёнида ва зал ўртасида соддароқ элемент ва ҳаракатларни ўрганиб борадилар. Ўтган икки-уч ҳаракатлардан 8-16 тактли, мураккаб бўлмаган рақс комбинацияларини тузиш назарда тутилган. Иккинчи ярим йилликда коллеж ўқувчилари қуйидаги рақсларни ўрганадилар: Беларус халқ рақслари, Польша халқ ва саҳна рақслари, Венгер саҳна рақслари, Италия саҳна рақслари, Испания саҳна рақслари.

Қўшимча материал сифатида «Латиш-Ачкунс», «Литва-Қалдирғоч» ва «Хўроз», «Эстон-Тульяк» халқ рақслар ҳаракатлари ҳам ўтилмоқда.

"Ўзбек рақс" фани ўзбек рақс санъати анъаналари, миллий урф-одатлари, миллий бойликларимизни ифодаловчи ҳаракатларни ўзига олган.

Маълумки, ўзбек рақс санъати анъанавий қадимий санъат туридир. Ўзбек рақс санъати серқирра, сермазмун, ўта гўзаллиги, ҳаракатларининг нозиклиги билан дунё миқёсида танилиб келган. Ушбу рақснинг маъноли ҳаракатлари билан чуқур мазмунга эга бўлган йирик спектакллар яратилган.

Ўзбек миллий рақсларининг асосий уч услуби мавжуд: «Фарғона услуби», «Хоразм услуби» ва «Бухоро услуби»дир. Ушбу услубларни ўзлаштириш билан бирга ўқувчилар "Ўйғур миллий рақслар"ни коллежнинг иккинчи ва учинчи йилларида ўрганадилар. Коллежнинг 3 курсида халқ рақслари харитаси анча кенгайиб боради (Афғонча, Ҳиндча, Помирча, Туркча рақслари).

Ҳар бир услубдаги рақс ҳаракатлари миллий-урф одатлар, меҳнат жараёнлари, табиат, ўсимликлар, қушлар қўниши ва ҳаракатлари, миллий бойликларимиз - пахта, буғдой, серқуёш водий жилваларининг ифодасидан ҳосил бўлган. Буларнинг ҳаммаси рақс ҳаракатларида мужассам бўлган ва улар ўқув йиллари давомида чуқур ўрганилади.

Ўзбек рақсини ўрганиш давомида рақс услублари, уларнинг тарихи, ўзаро ўхшашлиги ва фарқлари ўргатилади.

Ҳар бир рақс услубига хос кийим, тақинчоқ, оёқ кийим, бош кийим, пардоз анжомлари ва пардоз турлари, соч турмак турлари ҳақида кенг кўргазмали маълумот берилади.

Бир услубдаги ҳаракатларни иккинчи услуб ҳаракатлари билан чатишмаслик томонига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқитувчилар бунга катта аҳамият беришлари шарт.

Ўзбек рақсини ўрганишда асосий 7 ҳолат мавжуд. Ушбу ҳолатлар 1-ўқув йилида бошланиб, кейинги барча йилларда мустаҳкамланиб борилади.

Айланиш турлари 6 та, эгилиш турлари, пардозловчи ҳаракатлар, оёқлар ҳолати кабилар мунтазам пухта ва нозик ҳаракатларда ўргатилиб, ривожлантириб борилади.

"Эстрада ва бал рақси" фани – хореография санъатининг бир тури бўлиб, ёшларни замонавий мусикий – пластик, бадиий – эстетик, ахлоқий тарбиясини шакллантиришда муҳим ўрин тутди, Эстрада ва бал рақслари билан шуғулланиш ўз навбатида замонавий баркамол инсон тарбияси гоёсини амалга оширишга хизмат қилади. "Эстрада ва бал рақси" атамалари билан бир қаторда халқ орасида "турмуш", "оммавий рақс" атамалари ҳам қўлланилади. Мазкур фаннинг асосида:

- Европа рақслари гуруҳи;
- Лотин америкаси рақслари гуруҳи;
- Халқ рақслари асосида яратилган замонавий эстрада ва бал рақслари гуруҳи;
- Замонавий ритмлардаги эстрада ва бал рақслари гуруҳи (модерн рақслар)ни ўрганиш назарда тутилади. Ушбу фан келгусида профессионал ҳамда ҳаваскорлик хореография жамоаси бўлажак раҳбарини шакллантиришнинг таркибий қисми ҳисобланади

Ушбу фан ўқувчиларда замонавий рақс ҳаракатлари техникасини такомиллаштириш, эстрада ва рақсларни ёрқин, маҳоратли ва таъсирчан ижро этилишига кўмаклашиши лозим. Ушбу фанда болалар ҳамда ўсмирлар эстрада ва бал рақси жамоалари билан ишлаш хусусиятларини ўрганиш⁶, рақс кечалари ва дискотека дастурларини ташкил қилиш ва ўтказиш услугиёти масалаларини ўрганиш мақсад қилинган.

Маълумки, рақс-балет санъатини тўла, профессионал даражада эгаллаш мураккаб жараён бўлиб, у фақат махсус фанлардан ўтказиладиган

⁶ Бу борада болалар эстрада ва бал рақси тўғараклари, мактаб, студияларининг вазифалари,маданият саройлари, умумтаълим мактаблари ҳамда бошқа муассасаларда жамоалар ташкил қилиш масаласи,эстрада ва бал рақсини ўргатишда болаларнинг ёш жиҳатларининг ҳисобга олиниши,болалар жамоалари репертуарининг хусусиятлари каби масалалар ўрганилади.

машғулотлар билан чегараланиб қолмасдан, балки ўқув-сахна машқларига тайёргарликни ҳам кўзда тутати. Ўқув-сахна машқларига тайёргарлик машғулотлари бутун ўқув жараёнида давом этиб, ўқувчиларни сахнада ўзларини эркин тутишлари, ижро этиш кўникмаларини пухта эгаллашлари учун замин бўлиб хизмат қилади. Ушбу машғулотларни ўтиш жараёнида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида Мумтоз рақс, Халқ-сахна рақси, Ўзбек рақси фанлари мажмуасига кирувчи дурдона рақс асарлари намуналарини ўзлаштирадилар ҳамда сахнада бекаму-кўст ижро этиш устида ишлайдилар. "*Ўқув сахна машқларига тайёргарлик*" фанининг мақсади ушбу вазифаларни амалга оширишга қаратилади.

Махсус фанлар мажмуасида "*Дуэт классик рақс*" фани муҳим ўрин тутати. Охириги пайтда хореография билим юрти ўқувчилари учун замонавий балет спектаклларидаги дуэт классик рақслар салоҳияти кескин ошиб бормоқда.

Хореография билим юртларида дуэт классик рақси I, II, III курсларда аёллар рақс дастурига мос равишда ўқитилиб келмоқда. Дарслар бир ҳафтада 2 соатдан иборат.

Ўқиш даврида ўқувчилар, сахнавий мулоқот, ўзини тута билиш, ташқи муҳит таъсиридан холи бўлган ҳаракатларни бажариш, мусикий образларга кириш, мумтоз рақс дурдоналари ва замонавий балет спектаклларидаги дуэт рақс сахналарини бажара олиш машқларини эгаллашлари керак.

Дарс жараёнлари даврида бошқа фанлар билан биргаликда ўқувчиларда муомала этикаси, ансамблни ҳис қилиш туйғуси, сахнани ҳис қилиш, мусиқа ва ўз касбига муҳаббат бериш кабиларни шакллантиришга эътибор бериш керак.

Дуэт классик рақсини ўрганиш ўсмир йигит 15-16 ёшга тўғри келади. У пайтда ўсмир раққоснинг суяк-боғловчи аъзолари шаклланиши тугамаганлиги сабабли, ўқитувчи дарс юкламаларини раққос соғлиғига зарар

етказмайдиган шаклда тузиши лозим. Шу билан биргаликда ҳар бир синфнинг хусусиятини ҳисобга олиш керак:

- а) ўсмир ва қизларнинг ёши ва оғирлиги нисбати;
- б) ўсмирнинг жисмоний ва касбий маҳорати;
- в) асосий фан-мумтоз рақсга қиз боланинг тайёргарлик даражаси.

Қайд қилинганларнинг ҳаммаси ўқитувчи учун асосий қўлланма бўлади ва шу асосида ўқув дастури тузиш ва амалга ошириш мақсад қилинган.

Амалий дарсларга ўқув йилининг 3 ҳафтасидан киришиш мақсадга мувофиқдир, чунки ўқувчиларнинг оёқ товонлари бармоқлари ҳаракат қилиш учун етарли тайёргарликка эга эмас.

Уч йиллик таълим давомида ўқувчилар сахнадаги мулоқот ва ўзини тутиш техникасини ўзлаштирадилар. Ўқув юкламалари қийинлашгани сари ўқувчилар мумтоз ва замонавий рақс спектаклларида дуэтлар ижро этишади.

Балет спектаклларидаги дуэтларни ўрганиш пайтида ўқувчиларга ўша давр шароити, мусиқаси, услуби ва балетмейстернинг хореография тили ҳақида кенг тушунчалар берилади. Танланган рақсга қараб ўқувчилар кийинишлари лозим, яъни кийилган либос дуэт иштирокчиларининг техникасини ўзгартиришга таъсир қилиши ҳам ўрганилади.

Дуэт классик рақсларидан дарс бериш хусусиятлари фан ўқитувчиларидан юқори даражадаги касбий билимдан ташқари, аёллар ва эркеклар рақс санъати техникасини мукамал билишларини талаб қилади. Шунинг учун ўқувчилар сони 5-6 кишидан иборат бўлган кичик гуруҳларда машқлар ўтилади.

"Ўқув-сахнавий амалиёт" дарслари бўлажак балет артистларини тайёрлашда муҳим вазифани бажаради. Таълим жараёнида барча фанлардан олинган амалий тажриба сахнавий амалиётда намоён

қилиниши лозим бўлади. Ўқув-саҳнавий амалиётни ўзлаштириш натижасида болалар:

- профессионал фанлар бўйича олинган билим ва кўникмаларни қўллаб бориши;
- ўқув дастурига кирган спектакль партиялари ва хореографик композицияларни ижро этиш кўникмаларини ошириши;
- ўқув ва профессионал саҳнада ижро этиш амалётига эга бўлиши;
- амалиёт жараёнида ўқувчилар репертуарнинг касбий терминологиясини ўзлаштириши;
- классик мерос ва балет репертуари билан танишиши назарда тутилган. Мазкур амалиёт дарсларида ўқувчи тақдим этилган классик балет хореографиясидан парчаларни ўрганади, балки унинг ижро услуби ва пластик тилини ишлаб чиқади. Бир вақтнинг ўзида амалиётда хореография тарихи ўрганилиб чиқилади. Мазкур фаннинг асосий вазифаларидан бири ифодавийлик, мусикийлик, ўқувчиларнинг индивидуал салоҳиятини инкишоф этиш мақсадланган. Саҳна амалиёти келажакда юқори малакали балет артисти, рақс бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишига хизмат қилади.

Саҳнавий амалиёт дастурига кичик рақс комбинациялари, рақслар ва этюдларни яратиш вазифаси берилади ва асосий фанлар билан бирга ўтказилажак "Актёрлик маҳорати", "Муסיқа адабиёти" предметларида олинган билим ва кўникмаларни амалда кўрсатишга хизмат қилади.

ТДМР ва ХОМ коллежи таълим жараёнидан ўрин олган фанлар ва улар мисолида ўзлаштириш мақсад қилинган кенг ва ранг баранг ижро репертуари, замонавий болалар рақс репертуарининг жанр, шакл ва услубий серқирралигидан далолат беришини кўрамиз. Бу борада классик рақс мактабида таълим олувчи болалар жамоасининг репертуари бошқаларга нисбатан анча кенгроқ намоён бўлади (Иловага қаралсин №1).

ХУЛОСА

Республикаимиз Мустақиллика эришгач, давлатимиз томонидан болалар хореографик ижодиётини қўллаб-қуватлаш натижасида болалар рақс жамолари сони ва ташкилотлар кенгайиб борди. Баркамол ва ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялаш, уларни маънавий ривожлантириш борасида юртимиз миқёсида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хореография санъати соҳасида хилма-хил рақс услублари, йўналишлари ва мактабларнинг шаклланишига туртки бўлди.

Дарҳақиқат, диёримизда бугунги кунда болаларсиз ҳеч бир тадбир ўтмайди. Республикаимизда ўтказилаётган барча оммавий ва миллий байрамларда жажжи кичкинтойларнинг чиқишларини томошабинлар интизорлик билан кутишади. Чунки уларнинг сахнада чиқишлари келажак авлоднинг баркамоллиги, ўсиб келаётган ёш ниҳолларнинг истиқболинидан далолатдир. Айни пайтда, рақс санъати билан шуғулланаётган болаларимиз мисолида эркин ва бақувват, соғлом ва чиройли, бахтли ёшларни кўришимиз мумкин. Хусусан, миллий фольклор ва замонавий рақсларга бор шижоати билан кўплаб болалар ўз қизиқишини намоиш этмоқда. Бу борада Давлат ва нодавлат ташкилотлар олиб борган қатор рағбарлантирувчи тадбирлар (фестиваллар – "Янги авлод", "Келажак овози", "Санъат ғунчалари", "Ниҳол", "Замонавий хореография ва спорт пластикаси" ва б. кўрик танловлар, олимпиадалар, байрам ва томошалардаги чиқишлар, ҳисобот концертлари ва б) болаларни мактабдан ташқари маданий ташкилотлар (маданият уйлари қошида фаолият олиб бораётган рақс тўғаракалари, ансамбллар) ва марказларнинг фаолияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Республикаимизда болалар санъатининг услубий, шакл ва жанр серқирралигининг ривожланишига ҳам алоҳида замин яратиб берди.

Замонавий босқичда болалар хореографик ижодиёти ўзига хос белгилари ва янги омилларининг шаклланиши билан тавсифланади. Хусусан, кейинги йилларда болалар репертуарини шакллантиришда кенг доирадаги рақс услублари, йўналишлари, рақснинг турфа жанр ва шакллариининг серқирралигига мурожаат қилиши ва уларни синтези ўлароқ янги кўринишларни юзага келиши кўзга ташланади. Республикамизда танилган ва халқимиз эътиборини қозонган болалар ансамбллари қаторида «Томоша» ашула ва рақс театри, "Булбулча", "Тантана", "Севинч", "Бинафша", "Мисо", "Созвездие", "Мерри Кидс", "Жемчужина", "2D STUDIO" ва бошқа бир қатор болалар ҳаваскорлик жамоаларнинг фаолияти мисолида миллий, халқ, эстрада ва бал рақслари, ўспиринлар доирасида кенг тарқалган – рэп, фристайл, жаз, модерн каби рақс услублари болалар хореографик ижодиётида кенг ривож этилганидан далолат беради. Уларда болалар ва ёшлар рақс санъати асосларини ўзлаштиришади, ушбу соҳада билим ва кўникмаларга эга бўлади, жаҳон халқ хореография намуналари билан танишади, ўзларининг маданий бадиий дидини шакллантиради, гўзалликни тўғри тушунишга ўргатади.

Маълумки, болалар рақс жамоаси билан ишлаш бир қатор ижрочилик ва тарбиявий масалаларни ечилиши кўзда тутилади. Ҳаваскорлик болалар ансамбллариининг фаолияти бу борада профессионал жамоалар томонидан қўйилган иш тамойилларига таянсада, бироқ ўзининг хусусиятлари асосида ривож топади.

Ҳаваскорлик ансамблларида рақс асари устида ишлаш биринчи галда тарбиявий вазифаларга бўйсуниб, турли босқич (ёши, маҳорати, тажрибаси) даражасига монанд бўлиб асарни ўзлаштириш профессионал жамоаларга нисбатан бирмунча катта вақтни талаб қилади.

Профессионал болалар рақс жамоалари фаолиятининг мақсади ва натижаси – томошабинларга эстетик таъсир этувчи восита сифатида очик чиқишларни намоён этишдир. Ҳаваскор болалар жамоалар ишлари бу

борада эса аксинча, томошабин эмас, балки жамоа иштирокчисининг эстетик ўсиши ва ривожланиши учун ҳизмат қилади. Шу боис, малакавий ишимизнинг объекти сифатида ўз ичига болалар рақс ижодиётини бугунги кунга қадар эришган ютуқ ва натижалари, жанр, шакл ва услубий қирраларини, назарий ва амалий асосларини йўлга қўйган етакчи муассаса - Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби олинди, мактаб ва коллеж ўқувчилар (11-18 ёшидагилар)нинг дастур ва репертуари таҳлили мисолида кўриб чиқилди. Ушбу коллеж таълими мисолида хореографик санъат вазифалари, рақснинг ижтимоий ва бадиий кўринишлари - классик, халқ, эстрада ва бал, замонавий рақс турлари аниқланди, болалар репертуарининг ўзига хослиги ва шакллантириш тамойиллари тузиб чиқилди, турли болалар ёшига монанд рақс техника меъёрлари белгиланди. Бу турларнинг ҳар бири ўзига хос образлар оламига, мавзу йўналишига, ижро усулига, тарихий асосларига, етакчи мотивларига, сюжет типига, ижро усулига, тарихий асосларига, қаерда, қай вазиятда, қандай предметлар воситасида ижро этилишига қараб ўзаро фарқланиб туради.

Шундай қилиб ТДМР ва ХОМ коллежи мисолида болалар хореографик ижодиёти махсус педагогик тизим бўлиб, ўз ичига бадиий воситаларнинг комплекс таъсири, болалар ёшининг улғайишини инобатга олган динамик асоси ва педагогик таъсир қилиш услуби шунингдек индивидуал ва жамоавий ўзига хослигини намоён этиши билан гавдаланади.

Ушбу коллеж ўқув тизимида ишлаб чиқилган ва йўлга қўйилган педагогик услубиёти болаларнинг гуруҳ ва жамоада ишлаш борасида ўз-ўзини баҳолашига асосланган, ўсиш даражасини инобатга олган ҳолда уларнинг ўсиши ва намоён этиши динамикасини ҳавола этади.

Ҳар йилнинг охирида Тошкентнинг йирик концерт сахналарида ўтказаладиган ҳисобот концертлар, шунингдек, Давлат миқёсидаги турли халқ тадбир ва байрам томошаларига жалб қилинган коллеж

Ўқувчиларининг сахна чиқишлари болалар хореографиясининг бугунги кундаги даражаси, ўрни ва мавқеини алоҳида намоён этади. Хореографик жамоада болаларнинг ўсиши - ўз ичида жисмоний ва ақлий, эмоционал ва интеллектуал, умуминсоний ва махсус бадий, шахсий ва жамият яъни ушбу жамоадаги болалар фаолиятини баркамол инсон бўлиб етишиши учун хизмат қилади.

Ўз навбатида, ушбу масалани амалга ошириш хореограф педагогларнинг фаолиятига катта масъулият юклаб, яхлит бадий-педагогик жараёнда болалар ёшини инобатга олиш, педагогик ва бадий бошчиликнинг бир бирига мутаносиблигидан келиб чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Методологик тадқиқотлар:

1.1 Каримов И.А. “Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони. 1996 йил 27 август. 1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси нинг Ахборотномаси 1997 йил 1-сон, 26-28 бетлар.

1.2 Каримов И.А. “Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда” Тошкент Ўзбекистон нашриёти 2000 йил Иккинчи боб «Жамият маънавиятини янада юксалтириш».

1.3 Каримов И.А. «Юксак маънавият енгилмас куч» Тошкент маънавият нашриёти 2008 йил.

1.4 Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» “Ўзбекистон овози” газетаси 1998 йил 22 август.

II. Фармон ва қарорлар:

2.1 Каримов И. А. “Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони. 1997 йил 8 январь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997 йил 1-сон, 26-28 бетлар.

2.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида” ги Фармони. 1996 йил. 5 апрел. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил. 4-сон, 4-5-бетлар.

2.3 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги Қарори. 1996 йил 26 апрел. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996 йил. 4-сон, 3-5-бетлар.

2.4 “Президент Ислом Каримовнинг “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи” “Халқ сўзи” 2001 йил 6 ноябр №226 (2788) 1-2-бетлар

III. Махсус адабиётлар:

3.1 Абрамова Г. С. Возрастная психология. – М., Педагогика, 1998.

3.2 Абрайкулова Н. Рақс жамоаси билан ишлаш услубиёти. – Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Тошкент, 2003.

3.3 Авдеева Л. Танцевальное искусство Узбекистана. – Ташкент, Государственное изд-во художественной литературы Узбекской ССР, 1960.

3.4 Аршавский И. А. Физиологические механизмы и закономерности индивидуального развития. – М., Педагогика, 1982.

3.5 Блонский П. П. Избранные педагогические и психологические сочинения. – М., 1979.

3.6 Божович Л. И. Личность и ее формирование в детском возрасте. – М., 1968.

3.7 Боголюбская М. С. Музыкально-хореографическое искусство в системе эстетического и нравственного воспитания. – М., 1986.

3.8 Ветлугина Н. А. Основные проблемы художественного творчества детей // в книге Художественное творчество и ребенок. – М., 1971.

3.9 Выготский Л. С. Собрание сочинений. – М., 1984.

3.10 Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Тошкент, «Фан», 1998.

3.11 Гоноболин Ф. Н. Внимание и его воспитание. – М., 1972.

3.12 Громов Ю.И. Работа педагога-балетмейстера в детском хореографическом коллектив. Основы подготовки специалистов-хореографов. Хореографическая педагогика: учебное пособие. – СПб., 2006

3.13 Давыдов В. В. Проблемы развивающего обучения. – М., 1986.

3.14 Додонов Б. И. В мире эмоций. – Киев, 1987.

- 3.15. Дьюи Дж. Демократия и образование. – М., Педагогика-пресс, 2000.
- 3.16 Журавлев В.И. Педагогика в системе наук о человеке. Учебное пособие. – М., Педагогика, 1990.
- 3.17 Жаҳонгиров Б. Ўзбек болалар фольклори. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1975.
- 3.18 Захаров Р. В. Беседы о танце. – М., Профиздат, 1963.
- 3.19 Захаров Р. Сочинение танца. – М., Искусство, 1983.
- 3.20 Ивлева Л. Д. Руководство воспитательным процессом в самодеятельном коллективе // Автореф. – Л., 1985.
- 3.21 Клайн В. Как подготовить ребенка к жизни. – М., Л., 1991.
- 3.22 Козлова В. И. Физиология развития ребенка. Учебное пособие. – М., 1993.
- 3.23 Колесов Д. В., Мягков И. Ф. Учителю о психологии и физиологии подростка. – М., ПРОГРЕСС, 1986.
- 3.24 Коломинский Я. Л. Психология взаимоотношений в малых группах. – Минск, 1976.
- 3.25 Коменский Я. А. «Великая дидактика» (избр. главы (по хрестоматии). – М., Просвещение, 1988.
- 3.26 Кон И. С. Дружба. – М., 1987
- 3.27 Константиновский В. С. Учить прекрасному. – М., 1973.
- 3.28 Конникова Т.Е. Организация коллектива учащихся в школе. – М., 1957.
- 3.29 Лейтес Н. С. Способности и одаренность в детские годы. – М., 1984.
- 3.30 Липкина А. И. Самооценка школьника. – М., Педагогика, 1976.
- 3.31 Луцкая Е. Жизнь в танце. – М., Искусство, 1968.
- 3.32 Мадаев.О, Собитова Т. Ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик бош таҳририяти, 2001.

- 3.33 Мухина В. С. Возрастная психология: феноменология развития, детство, отрочество. – М., Академия, 2000.
- 3.34 Муҳамедова Ў. Уйғур халқ рақси. – Тошкент, Ўзб.Рес. фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2009.
- 3.35 Новикова Л.И. Педагогика детского коллектива. – М., Педагогика, 1978.
- 3.36 Реан А. А., Коломинский Я. Л. Социально педагогическая психология. – Питер, 1999.
- 3.37 Русские народные хороводы и танцы: методический сборник для работы с детьми // Сост. В.В. Окунева. – М., 1948.
- 3.38 Сафаров О. Қизалоқларнинг баҳорий ўйинлари. – БТ, 1998, №3, Б.20-21.
- 3.39 Сафаров О. Ўзбек халқ болалар ўйинлари. – Тошкент, 2004.
- 3.40 Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Тошкент, «Ўқитувчи», 1985.
- 3.41 Сухомлинский В. А. Сердце отдаю детям. – Киев, 1972.
- 3.42 Тарасов Н. Классический танец. – М., Искусство, 1971.
- 3.43 Уральская В. И. Рождение танца. – М., 1982
- 3.44. Ушинский К. Д. Избранные произведения. – М., Л., 1946. – Вып. 3, С. 118-119.
- 3.45 Хасанова Л. Классический танец. – Ташкент, “Iqtisod moliya”, 2010.
- 3.46 Халқ рақсидан дарс бериш услублари. Ўқув қўлланма. // таржимон: Хамраева Г.Р. “Star-poligraf” ХФ босмахонаси – Тошкент, 2009.
- 3.47 Хрипкова Л. Т. Возрастная физиология. Учебное пособие. – М., Просвещение, 1998.
- 3.48 Цукерман Г.А., Мастеров Б.М. Психология саморазвития. – М., 1995.
- 3.49 Чернышевский Н.Г. Полное собрание сочинений. – М., 1950. – Т. 5,
- 3.50 Эриксон Э. Детство и общество. – СПб., 1999.

3.51 Эстетическое воспитание средствами хореографического искусства // Под ред. Е.В. Коноровой. – М., 1953.

3.52 Murodova M. Folklor va etnografiya. – Toshkent, “Aloqachi”, 2002.

3.53 Muhamedova O`. Milliy raqslarni o`rgatish uslubiyoti (Uyg`ur raqslari misolida).– Toshkent, “A.Navoiy nomidagi O`zbekiston milliy kutubxonasi nashriyoti”, 2011.

3.54 Sayfullayeva D., Kazakbayeva Z. O`zbek raqs san`ati tarixi va raqs sahnalashtirish sirlari. – Toshkent, 2006.

3.55 Qosimov N. Folklor musiqa ijrochiligi. – Toshkent, “Talqin”, 2008.

3.56 <http://ru.wikipedia.org/wiki>